



MILLIY TIKLANISH

39 (256) ● 2013 йил 9 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Миллий хунармандчилик соҳасини янада ривожлантиришга кўмаклашишда ЎзМТДП Навоий шаҳар Кенгаши депутатлик гуруҳининг ташаббуси муҳим ўрин тутди

2 СИЁСАТ



Бугунги кун адабиёти забардаст вакилларининг ижодини кенг ўрганиш, уни ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ЎзМТДПнинг ҳар бир фаоли зиммасига масъулият юклайди

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ



Янги ўқув йили эндигина бошланди. Биз устоз-мураббийлар йил давомида ёшларга сабоқ бериш билан бирга уларни янада зукко, билимли қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратамиз

6 ЖАРАЁН

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонида мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 15 октябрь сешанба кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2013 йил 15 октябрь дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуруний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 8 октябрь

Хабар

Замонавий ва кўркам уйлар

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ипотека кредити: аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифалар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Бугунги кунда Ипотека-банк томонидан республикамизда замонавий кўп қаватли уйлар қурилишини молиялаштириш механизми яратилган. Республика-мизнинг барча вилоят марказларида банк филиаллари, минибанклари, жамғарма кассалари мавжуд бўлиб, 70 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи мижозлар ҳамда 970 мингта омонатчи-жисмоний шахсларга хизмат кўрсатилмоқда. Аҳоли, айниқса ёшларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш мақсадида "Обод турмуш йили" давлат дастурига мувофиқ тижорат банкларининг маблағлари эвазига худудларда 105 та кўп қаватли турар-жой бинолари қурилиши давом эттириляпти. Анжуманда таъкидланганидек, уйларни қуриш амалиётида миллий қадрият ва анъаналаримиз ҳам ҳисобга олинмоқда.



Партия халқ хунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" анъанавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда бу соҳани янада ривожлантириш учун шароитлар яратишга кўмаклашиш, миллий хунармандчиликнинг барча турлари, сервис соҳасини ва туризмни ривожлантириш, истеъмол товарлари ва хизматлари соҳасида миллий брендлар юзага келишига кўмаклашиш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларни жаҳон бозорларига олиб чиқиш, халқаро майдонга "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" брендини олиб кириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган тизимли чоралар кўришни устувор вазифаларидан деб билади.

ЎзМТДП сайловолди Платформасидан

Муносабат

Фидоий меҳнатнинг юксак қадр

Мамлакатимизда устоз ва мураббийларни қадрлаш, уларнинг ёш авлод қалбига зиё уруғини сочишдек энг машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатларини удуғлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, юртимизда 1 октябрь санасининг Ўқитувчи ва мураббийлар кунини, деб эълон қилиниши, шу кун муносабати билан Президентимизнинг соҳа ходимларига табриги ҳамда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши ўқитувчи ва мураббийларга кўрсатилган юксак эътибор ва эҳтиром намунасидир.

Устоз — ёшларни билимли, заковатли, етуқ инсонлар бўлиб камол топишлари учун умрини, ҳаётини шу соҳа равнақига бахшида этган мўътабар инсонлардир. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг юртимиз ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригида уларнинг Ўзбекистонимизнинг тараққиёти йўлидаги беқиёс ҳиссаси юксак баҳоланди. Унда қайд этилганидек, ҳақиқатдан ҳам, инсонни инсон қилиб камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу-ниятлар билан яшаш туйғуларини синдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустақкам ўрин олишида ўқитувчи ва мураббийлар, домлаларнинг, барча таълим соҳаси фидойиларининг ҳиссаси беқиёс эканини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида таълим ва тарбия, фан соҳаси ривожига катта эътибор қаратилган. Жумладан, республикамизда ҳар йили дав-

лат бюджети харажатлар қисмининг 35 фоиздан зиёди таълим соҳасига йўналтирилаётгани педагог ходимлар меҳнатини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг замонавий тизимини жорий этилгани улкан сайёҳаракатлар самарасидир. Хусусан, Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб 1 синфлар учун инглиз тили фани киритилиши ҳамда инглиз тили ўқитувчилари учун қишлоқ жойларда жойларнинг таълим муассасалари ўқитувчиларига 30 фоиз ва бошқа таълим муассасалари ўқитувчиларига 15 фоиз устам ҳақ тўланишининг жорий этилиши, нафақат замонавий билим ва касб-ҳунарларни, чет тилларини пухта эгаллаган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёшларни тарбиялаш, шу билан бирга ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари ходимларига кўрсатилган яна бир ғамхўрликнинг амалий тасдиғидир.

2-бет

ЎзМТДП ҳаёти

ИЖРОИЯ ҚЎМИТА ЙИҒИЛИШИ

унда партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш асосий вазифа сифатида белгиланди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президент Ислам Каримовнинг 2010 йил 27 январда парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" номи маърузасида "Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир" дея эътироф этган фикрларидан келиб чиқадиган вазифалар асосида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Ушбу масала юзасидан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилди.

— Бугунги кунда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда партия депутатлик гуруҳлари фаолиги ва ташаббускорлигини янада ошириш, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига масалалар киритиш долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

Шу боис, ЎзМТДП Марказий Кенгаши халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари фаолиятини танқидий таҳлил этиш, депутатларнинг қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари ҳамда Давлат дастурларининг жойлардаги ижросини депутатлик назоратига олиш борасидаги амалий ишларини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Айни кунда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида 146 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 802 нафар ЎзМТДПдан сайланган депутатлар фаолият кўрсатмоқда.

2-бет

Ҳуқуқий эксперимент

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги ислохотлар босқичма-босқич, изчил равишда олиб борилмоқда. Бу борада ҳуқуқий-норматив базани шакллантириш мақсадида бир қатор қонуни ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Қонун лойиҳасини маромига етказиш

эксперимент субъектларидан алоҳида масъулият талаб этади

Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Ахборот олиш қафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида»ги ҳамда "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунлар шулар жумласидандир. Бу борадаги қонунчилик ташаббусларининг янги босқичи сифатида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

4-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Фидой меҳнатнинг юксак қадри

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юртимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини яратиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида Марказий Осий мамлакатлари орасида биринчи бўлиб миллий таълим тизимини ифода этган ва таълимнинг ўзбек моделига хос, узокни кўзалган, чуқур ўйланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури, Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва амалиётга киритилди. Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш натижасида “Ўрта-махсус касб-хунар таълими” деб аталган ноёб тизим шаклланди ва уни ўз ичига олган 12 йиллик таълим тизими-га ўтиш ишлари якунланди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда 9763 та умумтаълим мактаби, 300 дан зиёд мусика ва санъат мактаби, 143 та академик лицей, 1500 дан зиёд касб-хунар коллежи, 59 та олий ўқув юртида катта ҳажмдаги қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилди ҳамда уларнинг моддий-техник ва ўқув-методик базаси мустаҳкамланди. Шунингдек, хозирда энг замонавий қурилаётган кўплаб спорт мажмуалари ёшларни жисмонан бақувват қилиб вояга етказиш ҳамда улар ўртасида соғлом турмуш-тарзини омаллаштиришида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг самараси ўларок, ушбу спорт мажмуаларида камолга етаётган йигит-қизлар уч босқичли тизим - “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” мусобақаларида фаол иштирок этиб, ўз иқтидорларини намоён этишмоқда.

Шу ўринда олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларни ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, айни пайтда 65 та олий ўқув юртининг 32 таси вилоятларда фаолият кўрсатмоқда. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторида таълим йўналишлари сони 139 тадан 195 гагача, мутахассисликлар сони 1145 тадан 1395 гагача кўпайди. Бундан ташқари, давр талаби билан янги олий таълим муассасалари барпо этилди. Эндиликда ёшлар замон билан ҳамнафас бўлиб, яратилган имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланишмоқда.

Шубҳасиз, бугун таълим тизимида олиб борилаётган кенг қўлмали саъй-ҳаракатлар хозирданок ўз самарасини бермоқда. Жумладан, 1995 йилгача республикамиз мактаб ўқувчилари бирорта ҳам халқро фан олимпиадаларида қатнашмаган бўлишса, 1995 - 2011 йиллар давомида улар кимё, биология, физика, математика, информатика, хорижий фанлардан нуфузли танловларда қатнашиб, ҳеч қимдан кам эмаслигини дунё ахлига намойиш этишди. Иқтидорли болаларимиз мазкур нуфузли олимпиадаларда жами 244 та медаль, шундан 20 та олтин, 49 та кумуш, 175 та бронза медалини кўлга киритди. Айниқса, кимё фани бўйича Тошкентда ўтказилган Халқро Менделеев олимпиадасида ўқувчиларимиз 17 та медални кўлга киритиб, биринчи ўрин соҳибни бўлгани, Испанияда 97 та мамлакат ўртасида ўтказилган математика олимпиадасида 4 та совринли ўринни олишгани, Франция ва Италияда бўлиб ўтган халқро кўрик-танловнинг мусика йўналишида юқори ўринларни эгаллаб, Ватанимиз байроғини баянд кўтаришгани, шубҳасиз, барчамизни бирдек қувонтиради. Бу, албатта,юртимизда таълим-тарбия ва илм-фаннинг қанчалик юқори салоҳиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг таълим модели, таълим соҳасидаги ютуқларимиз БМТ ва бошқа нуфузли ташкилотлар раҳбарлари, мажкур соҳада фаолият юритаётган таникли мутахассислар ҳамда экспертлар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Эътироф этиш жоизки, ЎзМТДП сайловолди Платформасида партия халқ таълимини ривожлантириш соҳасида кадрлар тайёрлаш устувор принцип эканлигига амал қилган ҳолда жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк бобокалонларимиз тажрибалари асосида соҳани янада ривожлантиришга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан фракциямиз аъзолари бу борадаги қонун ҳужжатларининг ишлаб чиқилишида фаол иштирок этишга интиломқдалар.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун фидойи устозлардан сабоқ олган ёшлар онгида ўзига ишонч, эртанги кунга умид, мамлакатда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга дахлдорлик ҳисси пайдо бўлмоқда. Энг муҳими, улар қалбидан шу ватан меники, шу ватанни обод этиш менинг вазифам деган туйғу бўй кўрсатаётир. Бунда, шубҳасиз, ўқитувчилар, мураббийларнинг фидокорона меҳнати, фаолияти таҳсинга лойиқдир.

Абдуғафур МАМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

* * *

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон омили энг юксак даражага кўтарилиб, унинг ҳақ-хуқуқи ва қадр-қиммати мустаҳкамланиб бормоқда. Ана шундай эътибор натижаси ўларок, ша-рафли ва шу билан бирга заҳматли касб эгалари бўлган устоз ва мураббийлар ҳам алоҳида эъзоз топмоқда. Бундан 17 йил олдин юртимизда 1 октябрни Ўқитувчи ва мураббийлар куни сифатида нишонлаш таъсис этилган эди. Шундан буён устоз ва мураббийлар куни кенг байрам қилинмоқда.

Бу йилги байрам тантаналари ҳам ўзгача шуқуқ бағишлади. Давлатимиз раҳбарининг юртимиз ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табриклари барчамизни бирдек қувонтирди, кўксимизни фахру ифтихорга тўлдирди. Айниқса, “Биз сиз, азизлар - мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида, умуман, таълим соҳасида меҳнат қилаётган юз минглаб ўқитувчи ва мураббийлар, домлалар тимсолида эл-юртимизнинг келажиги, ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи таълим ва тарбия соҳасига бамисоли жон бағишлаётган қудратли кучни кўраимиз ва юксак баҳолаймиз”, деган эътирофлари ҳар бир ўқитувчи ва мураббийнинг қалбини тоғдек кўтаргани шубҳасиз. Ёш авлодни тарбиялаш борасидаги заҳматли меҳнатлари юксак қадр топаётганини ҳис қилиш ўқитувчи учун бир томондан фахр бўлса, иккинчи томондан улкан масъулият ҳамдир. Ана шундай улуғвор вазифаю юксак масъулиятни ўз эгаларига олиб, келажакимиз ворисларини ҳар томонлама баркамол ва етук қилиб тарбиялаётган фидойи касб эгалари ҳаммиша эътибор ҳамда эъзозда бўлажак.

Президентимиз табригида мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, бунинг натижасида қўлга киритилаётган улкан ютуқ ва марралар алоҳида эътироф этилди. Дарҳақиқат, бугун юртимизда йўлга қўйилган уч босқичли таълим тизими, соҳани ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари бутун дунё ҳамжамияти томонидан тан олинди. Фарзандларимизнинг ҳар соҳада улкан ютуқларни забт этаётгани эса мамлакатимизда таълим йўналишида яратилган имкониятлар билан бирга фидойи устоз-мураббийларнинг заҳматли меҳнатлари натижаси ҳамдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, электроратининг асосий қисмини зиёлилар, халқ таълими, маданият соҳалари вакиллари ташкил қиладиган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўз фаолияти давомида ўқитувчи ва мураббийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда.

Аслиддин НИЗОМОВ,
халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши
ЎзМТДПдан сайланган депутат,
вилоят ҳокимлиги ўрта махсус ва касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида улар томонидан ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, партия электротрати манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашлари сессиялари кун тартибига 12 та масала олиб чиқилган. Доимий комиссиялар йиғилишларида 48 та масала муҳокама этилган бўлса, партия депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан 34 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилган, 184 та депутатлик сўровлари амалга оширилган.

Таҳлиллардан кўришиб турибдики, партиянинг бу борадаги фаолиятини янада такомиллаштириш, партия депутатлик гуруҳлари ишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш долзарб вазифалардан биридир, - деди партия раҳбари.

Маълумки, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловолди Платформасида ёшлар ва болаларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш каби муҳим масалалар белгиланган.

Йиғилишда бугунги глобаллашув жараёнида ёшларнинг ижтимоий-фаолигини ошириш, яъни таълим олиш, спорт билан шуғулланиш, касб ўрганишга бўлган қизиқишларини янада ошириш, уларни ахборот хуружларидан асраш билан боғлиқ ахлоқий тарбияга тааллуқли масалаларда ечимини кутаётган айрим муаммолар борлиги таъкидланди. Уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун мамлакатимизда болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга шароитлар яратиш, эҳтиёжларини қондириш, муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари

ЎзМТДП ҳаёти

ИЖРОИЯ КЎМИТА ЙИҒИЛИШИ

унда партия электротрати манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш асосий вазифа сифатида белгиланди

нинг кафолатлари тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ҳамда “Таълим тўғрисида”ги каби болаларга оид қонун ҳужжатларининг жойларда ижро этилиши билан боғлиқ масалалар ЎзМТДПнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари сессияларига ташаббус-масала сифатида киритилиши муҳокама этилди.

Шунингдек, йиғилишда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ҳузурида иш самарадорлигини янада ошириш мақсадида ташкил этилган Мафқуравий ва маънавий-маърифий, Ташкилий-партиявий ва кадрлар масалалари, Ёшлар масалалари ҳамда Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш йўналишларидаги экспертлар гуруҳи фаолияти танқидий таҳлил этилди.

Жалолиддин САФОЕВ,
ЎзМТДП Марказий Кенгаши
Ижроия Кўмитаси раиси
уринбосари,
Мафқуравий
ва маънавий-маърифий
йўналишидаги экспертлар
гуруҳи раҳбари:

— Айни дамда партия мафқурасини ҳозирги замон талаблари асосида мунтазам такомиллаштириб ва бойитиб бориш, тадбирлар самарадорлигини янада ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни партия фаолиятига тадбиқ этиш Мафқуравий ва маънавий-маърифий йўналишдаги экспертлар гуруҳи фаолиятининг асосини ташкил этмоқда. Экспертлар томонидан жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда партия фаолиятига замонавий сиёсий технологияларни жорий қилишга қаратилган таклиф ва тавсияларнинг доими тайёрлаб борилаётгани муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, бугун партия

мафқураси таъсирчанлигини, ахборот тезкорлигини, маълумотларнинг аниқлигини ҳамда тарғибот ва ташвиқот ишларини замон талабларига мослигини таъминлашимиз зарур. Бу орқали партия ғояси ва дастурий мақсад-вазифаларини аҳолига тез ва осон етказишга эришамиз, партия аъзолари ва хайрихоҳлари сафини янада кенгайтиришга муваффақ бўламиз. Шу билан бирга, партия мафқурасини тарғиб қилишда замонавий ахборот коммуникация-технологиялари ва мультимедия воситаларидан кенг фойдаланиш, иштирокчилар билан жонли мулоқотлар ўтказиш ҳамда SMS тарғиботларини қўллаш ҳам жуда муҳимдир.

Улуғбек МУҲАММАДИЕВ,
ЎзМТДП Марказий Кенгаши
Ижроия Кўмитаси раиси
уринбосари,
Ташкилий-партиявий ва кадрлар масалалари
йўналишидаги экспертлар
гуруҳи раҳбари:

— Маълумки, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласи партия фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис, экспертларимиз томонидан партия ташкилотларида ишлаётган ходимларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини, малакасини ошириш, тизимга етук, билимли, етарли тажриба ва малакага эга бўлган, ташаббускор кадрларни жалб этиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Улар учун услубий қўлланмалар тайёрланмоқда.

Ёш, истиқболли ходимларни партия тизимида раҳбарлик лавозимларига босқичма-босқич тайёрлаб бориш мақсадида кадрлар захирасини шакллантириш ва улар билан ишлашни ташкил этиш масалалари ҳам экспертлар гуруҳининг диққат марказида турибди. Бу борада партия кадрлари малакасини ошириш, захира кадрлар би-

лан ишлашни янада такомиллаштириш мақсадида фаоллар ўқувларини ташкил этишнинг ахлит тизими шакллантирилгани муҳим аҳамиятга эга.

Арслон ЭШМУРОДОВ,
ЎзМТДП Марказий Кенгаши
Ижроия Кўмитаси раиси
уринбосари,
Ёшлар масалалари
йўналишидаги экспертлар
гуруҳи раҳбари:

— Ўтган давр мобайнида ёшлар масалалари йўналишидаги экспертлар гуруҳи томонидан ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” фаолиятини янада такомиллаштириш, ёшлар билан ишлашда замонавий сиёсий технологияларни қўллаш ҳамда партия дастурий мақсад-вазифаларини кенг тарғиб этишда қанот аъзолари, фаоллари ва етакчилари имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, партия “Ёшлар қаноти” фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича янги лойиҳа Концепцияси ишлаб чиқилди, ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” қошидаги “Ёш сиёсий билимдонлар” клублари ўртасидаги кўрик-танловнинг Республика босқичи юқори савияда ташкил этилди.

Партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси йиғилишида ЎзМТДП фаолияти билан боғлиқ бошқа қатор масалалар ҳам муҳокама қилинди. Улар юзасидан ЎзМТДП МК Ижроия Кўмитаси аъзолари Абдуғафур Маматов, Улуғбек Жалменов, Олимжон Акилов ва бошқа партия фаоллари ўз таклиф ва фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилиш сўнгида муҳокама этилган масалалар юзасидан Ижроия Кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Дониёр ТОШБОЕВ,
ЎзМТДП Марказий Кенгаши
Ижроия Кўмитаси девони
бўлим бошлиғи

Ташаббус ва натижа

Боқий қадрият

миллий хунармандчилик соҳасини янада ривожлантиришга кўмаклашишда ЎзМТДП Навоий шаҳар Кенгаши депутатлик гуруҳининг ташаббуси муҳим ўрин тутади

Мамлакатимизда миллий хунармандчилик аъналарини қайта тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор натижасида оилавий тадбиркорлик ва қўл меҳнати билан шуғулланаётган уста-хунармандлар сони тобора ортиб бормоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг “Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони асосида уста-хунармандлар меҳнатининг муносиб рағбатлантирилаётгани соҳа ривожиди муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Навоий шаҳрида ҳам қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотлар самараси ўларок, айни пайтда шаҳарда 303 нафар хунарманд давлат рўйхатидан ўтказилган. “Хунарманд” уюшмаси Навоий шаҳар бўлимига эса жами 188 нафар хунарманд аъзо бўлиб, уларнинг 127 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

Худудда соҳани янада ривожлантириш, устоз-шоғирд аъналарни асосида маҳаллий ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш борасида ЎзМТДП Навоий шаҳар Кенгаши ва депутатлик гуруҳи партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фаолият олиб бормоқда.

Жорий йилнинг 22 сентябрь куни бўлиб ўтган халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан “Навоий шаҳрида миллий хунармандчиликни ривожлантириш, унинг истиқболлари ва юзага келган муаммолар ечимини топиш чора-тадбирлари” ташаббус-масала сифатида киритилди. Мазкур масала юзасидан шаҳар Кенгаши сессиясининг қарори қабул қилиниб, айни пайтда унинг ижросини таъминлаш борасида саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

— Миллий хунармандчиликни ривожлантириш оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлабгина қолмай, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий баркамол ва халқимиз-

нинг боқий қадрият ҳамда урф-одатларига садоқат руҳида вояга етишида ҳам муҳим аҳамият касб этади, - дейди халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари Ўрол Санокуюлов. — Шу нуқтаи назардан ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган устоз-шоғирд мактабининг аҳамияти беқиёс.

Партия сайловолди Платформасида халқ хунармандчилигига хос бўлган “устоз-шоғирд” аънавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда соҳани янада ривожлантириш учун шароитлар яратилишига кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мазкур дастурий вазифалар ижросини таъминлашда депутатлик гуруҳимизнинг ташаббуси муҳим ўрин тутади.

Таъкидлаш жоизки, азалдан уста-хунармандлари билан довруғ қозониб келган бу юртда хозир ҳам ушбу аънаани давом эттириб, аждоқлардан мерос хунарларни улуғлаб келаётган бешиксозлар, кулорчилар, каштачи-ю тикувчилар, тўкувчи-ю қандолатчилар, тоштарошу қандакорлар юрт тараққиё-



ти ва жамият ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Эндиги вазифа эса қадриятларимиз давомчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит олишига кўмаклашишдан иборат. Кейинги йилларда хунармандларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш, ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш ва кенгайтириш орқали шаҳарда қўллаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Яъни, ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, сервис хизмати шахобчалари барпо этиш, миллий хунармандчилик турлари ва қасаначиликни йўлга қўйиш орқали аҳолининг иш билан бандалигини таъминлаш масаласи имкон қадар ижобий ҳал қилинмоқда. Шаҳар Кенгаши сессиясига киритилган мазкур ташаббус эса бу борада амалга оширилаётган ишлар қўлами-

ни жонлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши қарорига асосан шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Хунарманд” уюшмаси Навоий шаҳар бўлими ва қатор мутасадди ташкилотлар раҳбарлари зиммасига қатор вазифалар юклатилди. Жумладан, ишчи гуруҳи тузилиб, соҳани такомиллаштиришга оид аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, бандликка кўмаклашиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, савдо-саноат палатаси, партия Навоий шаҳар Кенгаши ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раисларига миллий хунармандчиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар мониторингини мунтазам таҳлил қилиб бориш, юзага келган айрим камчилик ва муаммолар ечимида ўзаро ҳамкорликни йўлга

қўйиш, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашиш каби вазифалар юклатилди. Шаҳар ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар раҳбарларига оилавий тадбиркорлик, сервис соҳаси, қасаначиликни ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳар чорак якунида халқ депутатлари шаҳар Кенгашига маълумотлар тақдим этиш лозимлиги қайд этилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, сессия қарорига мувофиқ, амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигига сезиларли ҳисса қўшаётган уста-хунармандларга янада кенг имконият яратиб берилишида муҳим ўрин тутади.

Ўралои ТУРДИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Партиявий ғоя ва вазифалар

худудий ташкилотлар томонидан тарғиб қилинмоқда

ХОРАЗМ

Мамлакатимизда истиқлол йилларида оила институтини мустақамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кўплаб давлат дастурлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. ЎзМТДП Хонқа туман Кенгаши томонидан "Соғлом оила, соғлом фарзандлар билан буюк келахак сари" мавзусида ташкил этилган тадбирда шу ҳақда сўз борди.

— Ёш авлоднинг маънан ва жисмонан етук бўлиб улғайишида оилада яратилган соғлом муҳит, ота-она тарбияси муҳим ўрин тутди, - деди партия Хонқа туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси А.Бекчанова. — Халқимиз азалдан оилага нисбатан маънавий, маърифат ва зиё маскани сифатида қараган. Оила халқимизнинг қадриятлари, урф-одатлари, миллийлиги ва ўзига хослигини сақловчи муқаддас маскандир. Партияимиз томонидан миллий қадрият ва аъноларимиз бешиги саналмиш оила институтини мустақамлаш, оилаларда соғлом ҳамда барқарор муҳитни таъминлашга кўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади, бу борада тарғибот тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Дарҳақиқат, партия сайловолди Платформасида назарда тутилган оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзи аъноларини ва саломатлик маданиятини тарғиб қилиш, оила институти ва унинг қадриятларини мустақамлаш, тақомиллаштириш, асраб-авайлашга кўмаклашишга қаратилган устувор вазифаларни амалга оширишда бу каби тадбирлар муҳим ўрин тутди. Шунингдек, турмуш қуриш оstonасида турган ёш йигит-қизларга никоҳ шартномаси ҳамда тиббий кўрикнинг аҳамияти борасида ижтимоий-ҳуқуқий маслаҳатлар бериб борилаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Тадбирда иштирокчиларнинг саволларига мутахассислар томонидан жавоб берилиб, келгусида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар режаси белгилаб олинди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Юрт тараққиёти, мамлакат келажаги кўп жиҳатдан ёш авлод вакилларининг қай даражада камол топишига боғлиқ. Ёшларни ҳар жиҳатдан етук, баркамол қилиб вояга етказиш, уларни эртанги куннинг муносиб давомчилиги қилиб тарбиялашда ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни бекиёс.

ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши ташаббуси билан "Устоз ва мураббийларга эҳтиром" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда партия Тошкент вилоят ва Юқоричирик туман Кенгашлари фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, Хотин-қизлар кўмитаси туман бўлими аъзолари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият-тарғибот маркази туман бўлими вакиллари ҳамда ўқитувчи-мураббийлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда истиқлол йилларида юксак маънавиятли ва ахлоқли, эркин, масъулиятли, қомил инсонни тарбиялашга ҳисса қўшаётган ўқитувчи ва мураббийлар чин маънода қадр ва эъзоз топаётганини эътироф этишди. Шунингдек, ўтган йиллар давомида шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий талаблар асосида кўплаб мактаб, лицей ва касб-хунар коллежлари бунёд этилгани, уларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш, илгор педагогик ва ахборот технологиялари, ўқув-машғулот ва лаборатория хоналарини ташкил этиш, дарслик ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, малакали кадрлар тайёрлаш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилганини фахр билан тилга олдилар.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларда замонавий билим масканларида жонқуярлик ва фидойилик кўрсатаётган ўқитувчи ва мураббийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича ўзига ҳос янги тизим жорий этилди. Бу борада "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президентимиз Қарори асосида чет тиллар ўқитувчиларига қатор имтиёزلарнинг берилиши устоз ва мураббийларга кўрсатилаётган гамхўрликнинг бир намунаси.

Тадбирда бир гуруҳ устоз ва мураббийларга партия вилоят Кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совгалари тақдим этилди.

СУРХОНДАРЁ

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" ҳамда партия Термиз шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида "Ёшларга таълим-тарбия беришда устоз ва мураббийларнинг ўрни" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда Олий Махлис Сенати аъзолари, партия Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ва шаҳар, туман партия ташкилотлари ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Фарзандларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, уларни миллий қадрият, аъно ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, эъзозлаш руҳида камол топтириш каби партияимиз сайловолди Платформасида назарда тутилган вазифаларнинг амалга оширилишида захматкаш, фидойи ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни бекиёс, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари С.Абдураимов. — Фаннинг ривожланиши мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда партия фан соҳасини ривожлантириш, фундаментал фан соҳасида миллий илм мактабини халқаро даражага олиб чиқа оладиган мамлакатимизда янги ишланмаларни ривожлантиришга кўмаклашишни ўзининг устувор вазифаларидан бири деб ҳисоблайди.

Тадбирда истиқлол йилларида жамият ривожига улкан ҳисса қўшиб келаётган маъруза мазкур соҳа вакилларининг меҳнатини рағбатлантириш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳада ўтган йиллар давомида кўплаб халқ ўқитувчилари, халқ таълими аълочилари, хизмат кўрсатган ёшлар мураббийлари етишиб чиқди.

САМАРҚАНД

— Партия халқ таълимини ривожлантириш соҳасида кадрлар тайёрлашни ўзининг устувор вазифаларидан деб билиди, - деди ЎзМТДП Тайлоқ туман Кенгаши томонидан "Ёшларнинг маънавий камолотида ўқитувчи-мураббийларнинг ўрни" мавзусида ташкил этилган тадбирда сўз олган партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Ш.Бехбудов. — Ёш авлодни миллий-маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашда устоз ва мураббийларнинг хизмати катта. Ёшлиқда олинган билим — тошга ўйилган нақш каби, дейди доно халқимиз. Шу боис ўқувчи инил олишга қизиқириш, уларга ҳар жиҳатдан мукамал таҳсил бериш, ёш авлод вакиллари қалбиде миллий гуруҳ, она Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ўқитувчидан алоҳида ёндашув ва масъулият талаб этилади.

Тадбирда партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси ходимлари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари, ўқитувчи-мураббийлар ҳамда ёшлар иштирок этди.

Ш.ФАФФОРОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Партия лойиҳаси

Халқимиз тарихи ва маданияти — адабиёт кўзгусида

партия Марказий Кенгаши томонидан ўтказилган тадбирнинг бош мавзусига айланди



сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Арслон Эшмуродов. — Бугунги кун адабиёти забардаст вакилларининг ижодини кенг ўрганиш, уни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш партияимизнинг ҳар бир фаоли зиммасига масъулият юклайди. Боиси ёшларни ўз юртига содиқ, ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашда адабиёт муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ёзувчилар уюмиси раиси Муҳаммад Али истиқлол йилларида ёшлар масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. — Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод вакилларининг ўз қоби-

лият ва истеъдодини намоён этиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Эътироф этиш жоизки, бунга жавобан ёш авлод вакиллари ҳам турли соҳаларда муваффақият қозониб, дунёда мамлакат шаъни ва нуфузини кўтаришмоқда. Бугунги авлод ижтимоий-сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирок этишга интиломоқда. Миллий истиқлол ғоясини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш, миллий қадрият ва аънолар, аждодларимизнинг маънавий меросини асраб-авайлаш борасидаги вазифаларини амалга оширишда ёшлар ҳам фаол иштирок этаётгани диққатга сазовор, - деди нотик.

Тадбирда истиқлол йилларида кечаётган улкан ўзгариш, бунёдкорлик ишларида муносиб иштирок этиб, юрт тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган замонавий қарамонлар образи тасвирланган асарлар яратиш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

Рухона ХУДОЁРОВА, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси:

— Партияимиз сайловолди Платформасида юксак маънавиятли ва ахлоқли, эркин, масъулиятли, қомил инсонни тарбиялашга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада, шубҳасиз, адабиётнинг ўрни бекиёс. Ўтказилган ушбу тадбир таниқли ёзувчи Муҳаммад Али ижодининг биз билмаган қирралари билан кенгрок ва яқинрок танишиш имконини берди. Шунингдек, адабиётимизнинг бугуни ва эртанги кунни ҳақидаги тасаввурларимиз янада бойиди.

Сарвар ИБРОҲИМХОНОВ, ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:

— Биз ёшларнинг ҳаётий қарашларимиз шаклланишида, маънавиятимиз ва тафаккуримизнинг кенгайишида адабиёт энг самарали восита бўлиб хизмат қилади. Ушбу давра суҳбати сеvimли ёзувчимизнинг асарлари ҳақидаги қизиқарли маълумотларга бойлиги билан кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Шаҳзод ФАФФОРОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Тадқиқот

ТАДБИРЛАР САМАРАДОРЛИГИ

уни янада оширишда сўровлар муҳим ўрин тутди

Ўзбекистон истиқлол йилларида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда халқаро ҳамжамият эътироф этаётган салмоқли ютуқларни қўлга кириштириб, халқаро майдонда юксак обрў-эътибор қозониб. Мамлакатимизда демократик жараёнлар босқичма-босқич ва изчил ривожланиб, одамлар онгида демократик қадриятлар қарор топмоқда. Айниқса, Давлатимиз раҳбари томонидан парламент палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини янада кучайтириш, уларнинг фаолиятини янги босқичга олиб чиқди.

Албатта, бугунги кунда демократик ҳуқуқий давлатни сиёсий партиялар-сиз тасаввур этиб бўлмайдми. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи мустақам ҳуқуқий база яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз Дастури ва сайловолди Платформасида давлат суверенитетини мустақамлаш, маънавий-миллий қадриятларни тиклаш, миллий истиқлол ғоясини ривожлантириш каби мустақил тараққиёт йилларида бошланган улғувор ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли давом эттиришга қаратилган ҳаракатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга кўмаклашишни устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мазкур вазифалар ижроси юзасидан партия Марказий Кенгаши, худудий ва маҳаллий партия ташкилотлари томонидан ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифалари ҳамда ғояларини кенг тарғиб қилиш, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни жамоатчилик орасида тарғибот-ташвиқот қилиш мақсадида турли мавзуларда тадбирлар ўтказиб ке-

линмоқда. Шунингдек, электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида партия ташкилотлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар билан ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, партиявий тадбирларни ноанъанавий, замонавий усул ва услублар асосида ҳамда юқори савияда ташкил этиш, тадбирлар тасвирчанлиги ва самарадорлигини ошириш янада кучайтириш давр талабидир. Яъни партия дастурий мақсад-вазифаларини кенг тарғиб қилиш ва электорат манфаатларини ҳимоя қилишни янги босқичга кўтариш олдимида турган долзарб вазифалардан бири саналади. Бу борада социологик тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда партиянинг барча даражадаги ташкилотлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар жамоатчиликда қандай таассурот қолдираётгани ва уларда электорат манфаатлари қай даражада ҳимоя қилинаётганини ўрганиш ва таҳлил этиш мақсадида **социологик сўровларни** ташкил этиш аъноаси жорий этилди. Жумладан, ўтган давр мобайнида танлов асосида ташкил этилган 20 та тадбирда ўтказилган социологик сўровларда респондентларнинг 35 фоизини хотин-қизлар ва 65 фоизини эркеклар ташкил этди. Социологик сўровлар белгиланган тадбир учун танланган кун ва мавзу, қилинган маърузалар, фикр-мулоҳазалар билдириш, ундан олинган таассуротлар, тадбир ўтказиш учун танланган жой ва аудитория имкониятлари каби саволлар доирасида олиб борилди. Сўровда "Бугунги тадбир учун танланган мавзу ва кун тўғри танланганми?" деган саволга респондентларнинг 94,8 фоизи "Ҳа, тўғри танланган"

деб жавоб берган бўлса, 5,2 фоизи турли сабаблар билан эътироз билдирган. Кўрсатилган камчиликни бар-тароф этиш учун ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар мавзусини тўғри танлаш, тадбирга олдидан услубий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўриш ва нима учун айнан шу мавзуда, шу вақтда, шу қатнашчилар таркиби билан ўтказилаётгани ташкилотчилар томонидан асосланиши муҳим аҳамиятга эга. "Бугунги тадбир учун танланган жой ва аудитория тўғри танланганми?" деган саволга респондентларнинг 92,3 фоизи "Ҳа, тўғри танланган" 7,7 фоизи "Йўқ, тўғри танланмаган" деб, жавоб берган.

Ушбу кўрсаткичлар ташкилотчилар томонидан тадбир ўтадиган жой тўғри танланиши зарурлигини аналгатади. Яъни тадбир ўтиши белгиланган жой кўримида бўлмаслиги зарур. Агар тадбир ўтадиган жой жиҳозланмаган бўлса, бу иштирокчиларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади ва маърузачи тарғиб қилаётган ғояларга ишонч билан қараш паст даражада бўлади. Тадбирга мўлжалланган жойлар қанчалик юқори дид билан жиҳозланса, иштирокчилар кайфиятини кўтарди ва ўтказиладиган тадбир самарадорлиги ортади. Тадбир ўтказиладиган жойларни жиҳозлашда миллийлик ва замонавийликка, шу билан бирга партия шioriларни туширилган баннерларни мавжудлигига эътибор қаратиш лозим.

"Бугунги тадбирда маърузачиларнинг маърузаси сизга маъқул келдими?" деган саволга респондентларнинг 82,1 фоизи "Ҳа, маъқул келди" деган бўлса, 17,9 фоизи "Йўқ, маъқул келмади, маърузачи мавзудан четга чиқиб кетди ёки нотик тайёр бўлмаган ҳолда маъруза қилди" деб жавоб берган. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, тадбир аввалида унинг нима мақсадада ўтказилаётганлиги ва қутилаётган натижа тўғрисида иштирокчиларни хабардор қилиш, қатнашчилар билиши зарур бўлган асосий фикрларни аниқ ёритиб бериш лозим. Маърузачилар мавзуда кўтарилган муаммонинг келиб чиқиш сабаблари, тарихи, унинг бугунги ҳолати ҳақида тўлиқ тасаввур ва тушунчага эга бўлиши, мавзунини ёритишда мавжуд фактларни керакли йўналишда талқин эта олиши катта аҳамиятга эга.

"Бугунги тадбирда сиз фикр-мулоҳазалар билдирдингизми?" деган саволга 40,4 фоиз иштирокчи "Ҳа, мен ўз

фикримни билдирдим, 50,6 фоизи эса "Йўқ, мен ўз фикримни билдиролмадим" деб жавоб берган. Сабаб сифатида тадбир учун ажратилган вақтнинг асосий қисми маърузалар билан ўтганлигини билдирган. Демак, маърузачи нутқининг сўнгида, албатта, иштирокчилар билан мавзу юзасидан савол-жавоб учун кўпроқ вақт ажратиш шарт. Ёритилган мавзу тингловчига тушунарли бўлса, уларда саволлар туғилиши мумкин. Агар ҳеч ким савол бермаса, фикр билдирмаса, бу мавзунинг тушунилмаганидан далолат беради. Агар аудитория томонидан саволлар берилмаса, маърузачи мавзу юзасидан ўзи қўшимча саволлар бериб иштирокчилар фаоллигини таъминлаши мумкин. Тадбирларни маъруза-тингловчи кўри-нишидан кўра имкон даражасида давра суҳбати ва мулоқот шаклида ташкил қилиш мақсадада мувофиқ.

Шундай қилиб, тадбирларда социологик сўровларни мунтазам ташкил этилиши партиявий тадбирларни босқичма-босқич тасвирчанлигини ошириб, социологик сўров натижалари асосида ўтган тадбирлардаги камчиликларни бар-тароф этиш имконини беради.

Мухтасар айтганда, ЎзМТДП томонидан ташкил этилаётган тадбирлар тасвирчанлигини ва самарадорлигини оширишда йилдан-йилга ортиб бориши зарур. Эндиликда аввалги аъноларга қўшимча тарзда тадбир сўнгида социологик сўровларни ташкил этиб, уларнинг натижалари юзасидан аниқ ва мақсадли чора-тадбирларнинг амалга ошириб борилиши, нафақат партия фаолиятини янада ривожлантиришга, балки партия электорати манфаатларини самарали ҳимоя қилиш орқали келгуси сайловларда партияимиз томонидан вакиллик органларига кўрсатилган номзодларга овоз берувчилар сонининг ортиб боришига хизмат қилади.

Акмал АБДУЛЛАЕВ,
ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони бош мутахассиси

Маънавият

Кадриятларимиз



ҲАЁТ МАКТАБИ

Халқ маданиятининг энг қадимий кўриниши бўлган халқ ўйинларида инсоннинг турмуши, меҳнат тажрибаси, ютуқ ва муваффақиятлари ўз аксини топган. Шу боис асрлар давомида халқ ўйинлари ёш авлодни тарбиялашда “ҳаёт мактаби” вазифасини ўтаб келади. Қадимдан халқимиз орасида “ўюн” ибораси болаларнинг оддий эрмак ўйинларидан тортиб, мерганлик, чавандозлик, дорбозлик ва бошқа майдон томошаларини ҳам ўз ичига олган. Ўйин турли ифодали воситалар, маълум ҳоюда ёки оқибдан келишилган шартлар асосидаги жисмоний мусобақалар, беллашувлар, тафаккур баҳслари ва ижрочилик талабларидан юзага келган қадимий қадриятларимиздан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда халқимизнинг мана шундай миллий қадриятлари бўлган маънавий, маданий бойликларини тиклаш, бойитиш, авайлаш, уни ҳаётга кенг қўламда татбиқ этишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Миллий ўйинларимиз мавзусида ҳужжатли фильмлар яратилиб, янги рисоалар чоп этилмоқда. ЎзМТДП сайловолди Ҳаракат дастурида “Халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларни улғайиб келаятган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда миллий тарих ва халқ аъённаларига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотиш” партиянинг асосий мақсад-вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Миллий ўйинлар ҳақидаги маълумотлар қадимий халқ оғзаки ижоди, IX-XII аср тарихчилари, файласуфлари ва шoirлари ижодида яққол кўзга ташланади. Жумладан, Кайковус, Умар Ҳайём, Абдулқосим Фирдавсий, Ал-Берунийлар чавгон, нард, шохмот, тирандозлик, қиличбозлик, чавандозлик каби туркий халқларга оид юзлаб ўйинлар, уларда қатнашиш одоби хусусида ўз фикрларини ёзиб, ажойиб тилсоллар яратганлар. Халқ ўйинлари овчиллик, чорвачилик, ҳунармандлик, деҳқончилик, чавандозлик хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ бўлиб, тақлидий, мавсумий ва Наврўз ўйинларига бўлинади. Театрлаштирилган ўйинлар тарихий воқеаларни, ҳаётнинг таъсири қизқарли дақиқаларини бадиий-ижодий жиҳатдан ифодалайди. “Подшў-вазир”, “Ов ўйини”, “Эски чўпон”, “Асир олиш” ана шундай ўйинлар сирасига киради. Доимий ўтказиладиган ўйинлар билан бирга ҳар бир фаслга хос ўйинлар ҳам мавжуд. Масалан, баҳорда дарахлар уйғониб, толлар кўртак чикарганда “Тол баргак”, дала гуллари очилганда “Гул ўйини”, пишиқчилик пайтида данак, ёнғоқ ўйинлари, аргимчўқ учирлаш севиби ўйналган. Кеч куз, қишда ёғингарчилик бошланиб, ер юмшаганда қозик, ошиқ, тош ўйинлар одат тусига кирган.

Наврўзнинг энг бетакрор удувлари миллий ўйинларимизда ўз ифодасини топган. “Чиллак”, “ошиқ”, “оқсуяк”, “қулоқ чўзма”, варрак учиратиш, кураш, кўпкари каби халқ ўйинларининг ҳар бири ўз мазмун-моҳиятига эга. Улар ёшларни жисмонан чиниқтириш билан бирга, уларнинг қалбида мард-

лик, ҳамжихатлик, катталарга ҳурмат туйғусини тарбиялаш, ирода ва қатъиятни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қор ёқанда “Қорхат”, “Қор-бўрон”, ёмғир ёқанда “Ёмғир ёғалоқ”, кучли шамол эсганда “Бўрон-бўрон” ўйинлари, совуқ ўз кучини кўрсатганда барча сандал атрофида йиғилиб: “То-пишмоқ топ”, “Тез айтиш”, “Ким айтиди”, “Оёғингни торт” каби-лар ўйналган. Кеч кўздан то ба-ҳоргача “Улоқ” мусобақалари ўтказилган. Муайян ҳудудларга хос ўйинлар қаторида сардоба, карвонсарой, чойхона, меҳмон-хона каби жойларнинг ҳам ўз ўйинлари бўлган. Фарғонада “Чумчуқ тушди бошимга”, “Бот-мон-ботмон”, “Кўшиқни боши”, “Дўппи тишлар”, “Капитан”, “Пар этди” ва бошқалар, Тошкентда “Чигрик” (жойда айланган ҳолат-да копкоқ ўйнаш), “Чортак” (ерда чизиб қўйилган чизиклар ораси-да сакраш), “Арқон ўйини” (ар-қондан сакраб ўтиш), “Тош ўйини” (майда тошчалар) каби ўйинлар севиби ўйналган.

Халқимизда агар бола ўйинида ҳалол ўйнаса, кейинчалик ҳаёти ҳам ҳалоллик билан ўтади ёки боланинг ўйинидаги ҳаракатига қараб, катта бўлганида қандай инсон бўлишини айтиш мумкин, деган фикрлар бежиз айтилмаган.

— Миллий ўйинлар азалдан халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутган, - дейди Республика халқ ижодий ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази бошқарувчиси Кутбиддин Тўқсонов. — Халқ ўйинлари Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Бобур каби улғў аждодларимиз асарларида ҳам қайд этилган. Хусусан, Беруний ўйиннинг қондалари ва ўзига хосликлари, Ибн Сино соғлиқ учун фойдали жиҳатлари ҳақида фикр юритган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит турк” асарида халқ ўйинларининг юз элликдан ортиқ тури қаламга олинган, уларнинг йиғирматасига таъриф берилган. Масалан, “қоранғуни” (қоронғуда кўргон олиш), “бандол”, (асир олиш), “ўтиш-ўтиш”, (давра ўйини), “мунғиз” (сув ўйини), “чавгон” (тўп ўйини), “ўт бандал” (таёқ ўйини), “тирандозлик”, “оқ сўнғак” каби кўплаб ўйинларга изоҳ берилган. Буларнинг барчаси миллий қадриятларимиз сарҳашмаларидир.

“Алпомиш” дostonида ҳам кураш, от пойга, улоқ, найза санчиш, камондан ўқ отиш, қилич-бозлик, мерганлик каби ўйинлар негизда жасурлик улуғланади,

сотқинлик қораланади. Улар ёшларга орият, матонат, маънавий ва жисмоний комилликдан сабоқ беради. Дарҳақиқат, миллий ўйинларимиз аждодларимизнинг камолотида ўзига хос ўринга эга бўлган. Жумладан, буюк бобомиз Амир Темур ҳам ёшлигида кураш, чавандозлик, найзабозлик, тош кўтариш каби мусобақаларда қатнашиб, баркамолликка эришгани тарихдан маълум. Соҳибқирон бобомиз ўз кўшинининг руҳий ва жисмоний бардамлигини таъминлашда халқ ўйинларидан унумли фойдаланган.

— Илгаридан тўй-томошаларимиз, байрам сайилларимизда кураш ва кўпкари сингари миллий ўйинлар бўйича оммавий беллашувлар ўтказилган бўлса, бугун улар қаторида ян-гидан-янги миллий ўйинларимиз билан бирга замонавий спорт турлари ҳам қўшилиб келмоқда, - дейди жисмоний тарбия ўқитувчиси Азим Бердиев. — Оммавий беллашувларда қатнашаётган ўғил-қизларимизнинг барчаси спортчи бўлишмас. Бироқ улар жисмонан соғлом бўлиб воёга етади.

Ота-боболаримиз миллий ўйинларимизни ҳамisha муҳим тарбия воситаси деб таъкидлашган. Бола ҳаётини дастлаб ўйин орқали ўрганади, шу орқали катта ҳаётга тайёргарлик кўради. Халқимизда “Агар бола ўйинида ҳалол ўйнаса, кейинчалик ҳаёти ҳам ҳалоллик билан ўтади” ёки “Боланинг ўйинидаги ҳаракатига қараб, катта бўлганида қандай инсон бўлишини айтиш мумкин”, деган фикрлар бежиз айтилмаган. Ўйинлар тубайли болаларда уларни ўраб турган дунёни

тушуниш ва унга таъсир ўтказиш эҳтиёжи шаклланади.

Миллий ўйинларимиз ёшларни энцил, чаққон бўлиб улғайишларида таъсир кўрсатиш баробарида уларни миллийлик, мардлик, ватанпарварлик ва қатъиятлик руҳида тарбиялашда ўзига хос восита вазифасини ҳам ўтайди. Бундай тарбия бугунги кунда четдан ўз таъсирини ўтказётган маънавиймизга бегона бўлган оммавий ҳужумларга қарши туришида муҳим омили бўла олади. Ўсимрлар бўш вақтида интернет тармоғидаги турли бузғунчи гоёлар билан қалбиётган бир пайтда халқ ўйинлари ёт гоёларга қарши курашда асосий воситалардан бирига айлиниши шубҳасиз. Бунинг учун интернет тармоғида бошқа ўйинлар каби миллий ўйинларимиз ҳам кенг тарғиб ва тарғиб қилиб борилиши лозим. Айниқса, оммавий ахборот воситалари, мактаб, маҳалла, ёшлар билан ишлаш ташкилотлари ва соҳа мутахассислари томонидан халқ ўйинларини янада таъсирчан ва қизиқарли қилиб тарғиб этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Рақс кишига эстетик завқ бериш билан бирга, уни нафосат ва гўзаллик оламига ҳам етаклайди. Инсон маънавий дунёсини бойитиб, ҳаётни тушунча ва қарашларни ўзида жамлаган рақс юз ифодаси, қўл ва оёқ ҳаракатлари орқали томошабинни ўзига ром айлайди. Даврлар ўтса-да рақс санъатимиз янада гўзаллашиб, ривожланиб, сайқал топиб бораверади. Чунки бу санъат чегара ёхуд миллат танламайди.

Ўзбек рақс санъати намояндalари ижросидаги видеотасмаларга ёзиб олинган кўрсатув, фильм ва концертлари томоша қилар эканмиз, юрагимиз ҳар қачонгидан бошқачароқ ура бошлайди. Чунки бизнинг рақсларимиздан миллийлик, ўзбекона лутф, самимият ва беғуборлик уфуриб туради.

Истиқлол йилларида миллий рақс санъатимиз буткул янги босқичга кўтарилди, десак муболага бўлмайди. Айниқса, “Мустақиллик”, “Наврўз”, “Шарқ тароналари” каби умумхалқ байрамларимиз, фестивал ва танловлар рақс композициялари билан янада файзли ўтади. Бундай тадбирларда қатнашаётган раққосаларга қараб рақс ансамбллари, бадиий жамоалар, балетмейстер ва хореографлар маҳорати-ю, режиссурасига тан бермай илож йўқ. Оммавий рақслар композицияси беихтиёр кўзни қувонтиради. Яккаҳон рақсларини эса алоҳида бир асарга менгзаш мумкин. Бироқ сўнги пайтларда балетмейстерларимиз яккаҳон рақсларни нисбатан камроқ саҳналаштиришадигандек. Турри, яккаҳон рақсларни саҳналаштириш осон иш эмас. Бу соҳа ижодкорларидан катта меҳнат ва машаққатни талаб этади. Эҳтимол, бундай рақсларни саҳналаштиришда эл ардоғидаги профессионал раққосалар билан янада яқинроқ ҳамкорлик қилиш зарурдир.

Ҳеч кимга сир эмас, маҳоратли раққоса ўз рақсларида мақсад-муддасини тўлатуки ифода эта олади. Томошабин яккаҳон рақсини ижро этган раққосанинг нима демокчи эканини унинг ҳаракатлари, ҳатто ибo-ҳаёсидан ҳам англаб олади. Бироқ, сўнги пайтларда яккаҳон рақсларни оммага тарғиб қилиш ишларини кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Масалан, айрим телеканаллардаги мусиқий дастурларда раққосалар ижроси намойишида умумий пландан на-

Мулоҳаза

Яккаҳон рақс санъати

уни саҳналаштириш соҳа ижодкорларидан эътибор талаб этмоқда



рига ўтилмапти. Баъзида “рақсга тушаётган ким экан?”, - деган савол пайдо бўлиб қолади. Айрим ҳолларда миллий либосдаги раққосанинг ҳаракатларидан ҳеч қандай маънони англаб бўлмайпти. Баъзида эса ўзбекона оҳанг уфуриб турган кўшиқларда раққосаларимиз европача либосда хиром айламоқда. Барчамизга маълумки, рақсда нафақат ҳаракатлар, балки раққоса эғнидаги либослар, ҳатто тақинчоқ-безаклар ҳам мазмун ва маъно ифодалашга хизмат қилади. Аммо улар буткул номутаносиб бўлса-чи? Эстрадада хос либос элементларининг миллий рақсларимизга ҳам сингдирилаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистон халқ артисти, балетмейстер Рушана Султоновага мурожаат қилдик:

— Яккаҳон рақс санъати билан боғлиқ муаммолар борлиги сир эмас. Бунинг учун нафақат “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмаси, балки барча рақс жамоалари биргаликда ҳаракат қилишлари лозим бўлади. Бундан ташқари рақс санъатига қадам қўйган ҳар бир раққоса миллий рақсимизнинг гўзал аъённаларини сақлаб қолишга интилиши зарур. Ҳозир мен “Санам” рақс жамоасига

раҳбарлик қилиш баробарида миллий рақс санъатимизнинг аъённаларини бўлғуси раққосаларга кўлимдан келганча ўргатиб боряман.

Миллий эстрада йўналишидаги кўшиқларга европача либосларда рақс тушаётган раққосаларимиз масаласи ҳақида гапирадиган бўлсак, бу непрофессионаллик ёхуд режиссёрнинг дидсизлиги билан боғлиқ жараёндр. Чунки ҳамма нарса ҳам фақат раққосага боғлиқ эмас. Тўғри, рақс санъатимиз айрим янги йўналиш ва элементларни қабул қилиши мумкин. Аммо ҳаммаси меъёрида бўлиши, миллийлигимизга даҳл қилмаслиги лозим.

Эстрада услубида ижро қилинаётган рақсларда миллий рақс элементларининг учраши табиий ҳол. Бироқ миллий рақсларимизга эстрада рақси элементлари сингдирилиши тушуниш қийин. Масалан, “Тановор” рақсини олайлик. У бундан 100 йил олдин қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай ижро этилади. Унга ҳеч қандай бошқа элементларни қўша олмайсиз. Фақат ижрочилар ўзгарди, холос. Устоз санъаткорлар қандай ижро этган бўлса, биз ҳам уни шундай бажаришимиз лозим.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Тарихий мерос

Кармана жавоҳиротлари

Халқимиз ўз ўтмиши, тарихи ва қадриятлари билан ҳақиқ равишда фахрланади. Зеро, ота-боболардан мерос бўлиб келаятган маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликларни асраб-авайлашга ҳисса қўшиш қалбида юрт меҳри бўлган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчиюдр. Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси самараси бўлган ўлмас осори-атиқалар ва муқаддас қадимжолар биз яшаб турган бу заминда азал-азалдан халқ маънавияти ва маданиятининг юксаклигидан далолат бериб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида тарихий ёдгорлик, зиёратгоҳ ва муқаддас қадимжоларни қайта таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларида катта аҳамият қаратилди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият—енгилмас куч” асарига эътироф этилишича, мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган турт мингдан ортиқ моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатида киритилган.

Буюк ипак йўлида жойлашган Навоий вилоятида ҳам халқимизнинг маънавий мулки бўлган зиёратгоҳлар кўп. Маълумотларга таяниб айтадиган бўлсак, инсониятнинг тамаддун бўлган қадим Карманада шу кунгача 400 га яқин археологик, архитектура ва санъат ёдгорликлари рўйхатга олинган. Уларни ўрганиш борасидаги илмий изланишлар эса XIX асрнинг охири ҳамда XX асрнинг бошларида бошланган. Утган давр мобайнида бу муазам заманининг ўтмиши ва унда жойлашган тарихий обидаларни археологик ўрганиш бўйича олимлар кўплаб тадқиқот ишларини олиб борганлар. Жумладан, ўтган асрнинг 20-йилларида И.Умтанков, орадан 60 йил ўтиб Н.Немцева ўзининг илмий тадқиқотларида Работи Малик карвон-

саройи, Мир Саййид Баҳром мажмуаси қурилиши даври, ўлчамлари, ушбу ёдгорликлар топографияси ҳақида фикр билдирганлар.

Кармана маънавий ҳаётининг айрим жиҳатлари хорих илмий адабиётларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, немиш шарқшуноси Юрген Паул ҳамда Анке фон Кюгельнген тадқиқотларида юрт тарихининг баъзи қирралари ҳақида сўз боради.

Кармананинг шайбонийлар даврига тааллуқли бўлган тарихий маълумотлари тўғрисида эса профессор Сулаймон Иноятонинг “Кармана тарих кўзгусида” номли китоби орқали тўлиқроқ маълумот олиши мумкин. Хуллас, Кармананинг тарихи бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар ҳали ўз ниҳоясига етган эмас. Бу юртинг очилганда қирралари кўп. Зеро, юрт тарихини ўрганиш - эзгуликка тамал тоши қўйиш билан баробардир.

Зийрак газетхон англаган бўлса, биз ҳудуддаги Қосим Шайх мақбараси, Работи Малик ва Сардоба ҳақида туркум мақолалар тайёрлаб газета саҳифалари орқали биланларимизни баён қилган эдик. Бу галги мақоламизда ҳам шу ҳудудда жойлашган Шайх Хожа Хисрав шаҳси ҳамда Мир Саййид Баҳром мақбаралари ҳақида қисқача маълумот бе-

ришни жоиз билдик.

Тарихдан бизга маълумки, Самарқанду Бухорони боғлаб турувчи чорраха бўлмиш қадим Карманада кўплаб улғў зотлар, шайхлар, тасаввуф илми тарғиботчилари истиқомат қилишган. Мавлоно Ориф Деғгароний, Хожа Собир ибн Муҳаммад ал-Жалоирий, Низомиддин Қосим Шайх Азизон каби улғў сиймолар шулар жумласидандир. Шайх ва алломалар макон тутган бу манзилда тасаввуф илмидан хабардор бўлган алломалардан бири Шайх Хожа Хусрав ҳам яшаб ўтган. Манбааларда кўрсатилишича, у Баҳоравуддин Нақшбанд билан бир даврда яшаган ва унга муридлик қилган.

Халқ орасидаги ривоятларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, Шайх Хисравнинг ҳазрати Нақшбанд билан ҳаётий қарашлари, меҳнатни улғўлашга оид фикрлари уйғун бўлган.

Ҳазрат Хожа Хисрав Карминийнинг туғилган ва вафот этган санаси номаълум. Унинг ҳоқи сақланаётган жойда мақбара қурилган. Кармана шаҳрининг шимолидаги Арғун қишлоғида жойлашган мазкур зиёратгоҳ мустақиллик йилларида қайта таъмирланиб, ободонлаштирилди.

Кармана шаҳрининг марказида жойлашган қадимий обидалардан яна бири бу Мир Саййид Баҳром мақбарасидир. X-XI асрларда барпо этилган бинонинг ички қисмида Мир Саййид Баҳром дафн этилган. Бир гўмбазли, тўртбурчак шаклда, ҳамма томони бир хил ўлчовдаги пишиқ гиштан ишланган ёдгорликнинг ёнида илгарни айвонлари ҳам мавжуд бўлган. Ниҳоятда кўп таъмирланганлиги боис дастлабки кўринишини йўқотган мақбара айвонлари ҳам кейинчалик бузилиб кетган. Мақбаранинг

жануб томонида эшик, унинг тепа қисмида эса кўнгурадор, панжарали туйнук бор эди. Пештоқи пишиқ гиштан қайта терилган, ҳар хил нақшлар билан безатилган.

Тарихий манбааларда Мир Саййид Баҳромнинг шаҳси тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Профессор Сулаймон Иноятон “Кармана тарих кўзгусида” китобида шундай ёздади: “Абу Бақр Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида “Бухоро ва унга қўшилидиган жойлар”, хусусан, Кармана ҳақида маълумот берар экан, “унинг ўзига тегишли алоҳида бир қишлоқ бор, унда масжиди жоме барпо этилган”. Бу сўзлар шуни аниқлатадики, Наршахий бу билан балки ана шу ёдгорликни назарда тутган бўлиши мумкин. Олимнинг эътироф этишича, ўша давр амирлари ўзлари ҳукмронлик қилган жойларда масжид, карвонсарой, қаср ва хонақоҳлар қуришга аҳамият қаратишган.

Айни пайтда Мир Саййид Баҳром мақбарасининг атрофи ободонлаштирилиб, кўркам бир масканга айлантирилган. Мақбарага яқин жойда болалар истироҳат боғи, кинотеатр ва мусиқа мактаби фаолият олиб бормоқда.

Таниқли олим Иброҳим Фафуров буюк боболаримиз, етук алломалар руҳи мангу макон топган бебаҳо юрт ҳақида шундай ёзган эди: “Кармана заминида худди ҳазинанинг устидан юргандек бўламан”. Топиб айтилган бу фикрнинг нақадар тўғри эканлигини бу юртга бир бора келган инсон яхши англайди. Зеро, тарихчилар таъбири билан айтганда, “Бешигда авлиёлар улғайган” бу диёрнинг тарихи улғувор ва келажаги нуридир.

Ўралой ТУРДИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Таълим



(Ҳ.А.) оқибат сурати.

БАРКАМОЛ ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

бош мақсадимиз

Баркамол авлод тарбияси, танлаган касби бўйича малакали мутахассисларни камолга етказиш ҳақида гап кетаркан, бу вазифанинг нечоғлик масъулиятли эканини барчамиз бирдек ҳис қиламиз. Фидойилик билан меҳнат қилаётган илгор педагогларгина ўз шогирдларининг таълим-тарбиясига, ҳар томонлама кучли ва билимли бўлиб камол топиши йўлида бор билим ва маҳоратини ишга солади. У ўқувчининг мурғак қалбидаги тафаккурни чироқ тутиб, улкан билим чўққилари сари етаклайди.

Тошкент шаҳар, Сергели туманидаги 104 умумтаълим ўрта мактаби ўқувчилари ҳам ҳар бир ўқувчининг иқтидори, қобилияти ва руҳий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда дарс ўтишга интиладилар. Устозларимиз дарс жараёнида рақобат муҳитини яратиш учун тинмай изланади. Бугун юртимизда таълим самарадорлиги ошиб бораётганига ҳар қадамда гувоҳ бўлишимиз мумкин. Айни пайтда мамлакатимизнинг чекка-чекка қишлоқларида ҳам билим масканлари мукамал реконструкция қилиниб, бутунлай замонавий қиёфа касб этмоқда. Ўқувчиларимиз лингафон хоналарида, замонавий компьютерлар билан жиҳозланган синфларда, лаборатория хоналарида билим олаётир. Мактабимиз ўқитувчи ва ўқувчилари ҳам бундай имконият-

лардан тўла фойдаланиб, техника воситаларини қўллаган ҳолда болаларга дарс ўтиб, интерфаол усулда сабоқ беришга интилламоқда.

Биз мактабда ўқувчилар ўртасида билим беллашувларини мунтазам ўтказиб тураемиз. Бу биринчи навбатда соғлом рақобат асосида ўқувчиларнинг билим олиш иштиёқини ошириш, иқтидорини аниқлаш, қолаверса, уларнинг билимдонлик ва ҳозиржавоблик даражасига қараб таълим сифатини баҳолашга йўл очади. Устоз ва шогирдларга ўз салоҳиятини намоён этиш имкониятини беради.

Ушқоқлик ва ишонч билан амалга оширилган сайё-ҳаракат, эътибор ҳамда яратилган шарт-шароитлар Санобар Тожиева, Дилфуза Маматқаримова, Дилорам Ядгоровна, Феруза

Тоирова каби ўқитувчиларимизнинг ёшларга дарс бериш жараёнидаги муваффақиятини таъминламоқда. Машғулотлар ўзбек, рус тилларида олиб борилаётган мактабимизда 1288 нафар ўқувчига 74 нафар малакали ўқитувчи ва мураббий сабоқ бериб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори чет тилларни ўқитиш ва шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга, ёшларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиб, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришга кенг имконият яратди. Ушбу қарорда республикамизнинг барча умумтаълим мактабларида 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб чет тиллар, асосан, инглиз тилини биринчи синфдан бошлаб ўйин ва оғзаки нутқ даражасида ўргатиш белгилаб қўйилди. Бизнинг мактабимизда ҳам ўқувчиларнинг лугат бойлигини кенгайтириш, талаффуз ва нутқини ривожлантириш мақсадида дарслар ноанъанавий тарзда ўтилмоқда.

Дарҳақиқат, таълим сифати ва

самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг чет тилини мукамал ўзлаштириши учун мактабимизда барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Чет тилидан дарс берадиган ўқитувчиларимиз дарс жараёнида ўқувчилар учун қизиқarli таълимий ўйинларни кўпроқ қўллашга ҳаракат қилишди. Ўқувчилардаги нутқ кўникмаларини ривожлантириш, инглиз тилини тез ва осон ўрганишга ёрдам берадиган кўргазмали, кўп маротаба фойдаланса бўладиган ҳарф, рақам ҳамда турли расмларни ўз ичига олган интерфаол қўлланмалардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Янги ўқув йили эндигина бошланди. Биз устоз-мураббийлар қаршида янада масъулиятли ўқув йили турибди. Йил давомида ёшларга сабоқ бериш билан бирга уларни янада зукко, билимли қилиб тарбиялашга бор эътиборимизни қаратамиз. Инчунун, ҳар бир ўқитувчи ўз касбининг янги-янги қирраларини кашф этишга, болалар таълим-тарбиясига янада масъулият ва маҳорат билан ёндашади, деган умиддамиз.

Адиба КАРИМОВА,
Тошкент шаҳар, Сергели туманидаги 104 умумий ўрта таълим мактаби директори

Танлов

“Талаба қизининг энг намунали либоси”

кўрик-танловнинг якуний босқичи ўтказилди

Глобаллашув даврида ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини янада ошириш, “оммавий маданият” таҳдидига қарши мафқуравий иммунитетни шакллантириш, қолаверса, талаба қизларнинг муомала ва кийиши маданиятини юксалтириш бузуги кунда алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида Ўзбекистон давлат консерваториясида “Талаба қизининг энг намунали либоси” танловининг якуний босқичи ўтказилди.

Тадбирни Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова очиб берди.

Тошкент шаҳрида жойлашган 33 та олий таълим муассасалари ўртасида уюштирилган ушбу танловда ҳар бир ўқув юртидан келган талаба қиз ўзи тахсил олаётган олий таълим муассасасида жорий қилинган либос ва унинг афзалликлари, талаба қизлар учун қай даражада қулайлиги ва таълим муассасасининг ички талаб-меzonларига мутаносиблиги ҳақида тайёрлаган тақдимотларини ийғилганларга намоиш этдилар.

Тадбирда жамиятда маъна-

вий тарбиянинг аҳамияти, қизларнинг эрта турмуш қуриши оқибатлари, оилада ота-онанинг масъулияти, кийиниш одоблари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир иштирокчиларининг кайфиятига мос тарзда кийилган куй-қўшиқлар, мушоиралар ва ҳазил саҳналари кечага янада файз киритди.

Танлов натижаларига кўра “Энг намунали либос соҳибалари” деб Азиза Ёрматова, Гулҳаё Раҳимова, Феруза Мўминова, Василя Йўлдошева, Камола Абдумуратова, Хулқар Фафорова топилган бўлса, 1-ўрин Гулруҳ Азимовага (Тошкент темир йўл муҳандислари билим юрти), 2-ўрин Юлиа Карпенкога (Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети филиали) ва 3-ўрин Нодира Хужаева (ЎЗМУ)га насиб этди.

— Мен таҳсил олаётган Тош-

кент темир йўл муҳандислари институтинида тўртта фаслни инобатга олган ҳолда форма жорий қилинган, - дейди 1-ўрин соҳибаси Гулруҳ Азимова. — Ёз ва баҳор ойлари, қиш ва куз мавсумига мосланган либослар институтимиз талабаларининг кўрига кўрк қўшиб, уларнинг зиммасидаги масъулият ҳиссини янада оширади. Ўзларининг талабалик давриданок муайян касб вақили деб ҳис қилишларига ёрдам беради. Керак бўлса яхши ўқишга ундайди.

— “Оммавий маданият” кенг тус олаётган бир пайтда кийиниш одоби билан боғлиқ муаммолар ҳам пайдо бўлаётгани сир эмас. Талабани, ўқитувчини, келинми, раҳбарми кийган либоси ташқаридан қараган одамда биринчи таассурот уйғотишини инобатга олиши лозим. Либос кишининг касбидан тортиб инсоний жиҳатлари — гурур, ифтихор, масъулият, ибодат, одоб каби хислатларни ҳам ўзида акс эттиради, - дейди танловнинг яна бир голибаси, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети 2-босқич талабаси Малика Рузиева.

Муҳайё НУРМЕТОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Табиат ва инсон

Ўрмонзорлар янада кенгайтирилмоқда

нинг уч тармоқли ёрдамчи хўжалик ҳам бор. Булар чорвачилик, паррандачилик, асаларичиликдан иборат. Хозирда майда шохли моллардан 179 бош, 400 донна товуқ ҳамда 115 та асалари оила-си парваришланмоқда. Ўтган йили 67 та асалари оиласи бўлган бўлса, жорий йилнинг ўтган чорагида улар сони 48 тага кўпайган.

— Ўрмонлардан қўшимча фойдаланиш учун аҳоли, қорхона ва ташкилотлар билан шартнома асосида ишлаш йўлга қўйилган, - дейди Қамашни давлат ўрмон хўжалиги раҳбари вазифасини бажарувчи Фарҳод Худойназаров. — Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экиб етиштиришдан 19 миллион сўм, ўрмон фонди ерларининг яйлов ерларидан шартномага кўра чорва молларини ўтлатишдан 42,5 миллион сўм даромад олинди. Хўжалик жорий йилнинг 6 ойи мобайнида жами 79 млн. сўм даромад билан чиқди.

Манзарали ва ўрмон дархати-ларини зараркуналдалардан уй-ғунаштирилган тарзда ҳимоя қилиш ўз вақтида олиб борила-моқда. Бир йилда режа асосида 600 гектар майдонда, ўрмонзор-ларда ҳашоратлар ва касаллик-ларга қарши патологик кураш ўтказилди. Қузатувдан кейин 200, 250 гектар ер майдонида биологик ва химиявий кураш

ҳамда ёнғин хавфсизликларига қарши чоралар олиб борилади. Худуддаги Чимкўрғон сув омбори ва Луқлиқул сув ҳавзаси қирғоқ бўйи худудларини мустаҳкамлаш ва ўша ерда микроклим, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини барпо этиш йўлида ҳам анъанавий ишлар амалга оширилди. Маълумки, микроклим бор жойда ўз-ўзидан ҳайвонот дунёсини ҳам вужудга келади. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш юзасидан ҳар йили ўрмончилар томонидан қад-дастр маълумотлари умумлаштирилиб борилади.

— Хўжалик ўрмончилари томонидан салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Аммо, табиатни бойитиш ва жонлантиришга ҳисса қўшиш ўрнига, унга тажовуз қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Ўрмон хўжалиги худуди ва атрофида 17 та қишлоқ бор. Ана шу қишлоқларда истиқомат қилаётган аҳоли ўртасида экологик маданиятни шакллантириш, тарғибот-ташвиқот ва ту-ғунаштириш ишларини янада кўпайтиришимиз лозим, - дейди Ф.Худойназаров. Зеро, жонли табиат инсон ҳаёти билан узвий боғлиқ. Шу боис, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Шерзод ҚУРБОНОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Спортчилар оиласи

Боғотлик полвонлар

Хоразм воҳасининг Боғот тумани меҳнатқашлари дехқончилик, хунар-мандчилик, узумчиликдан ташқари спортда ҳам улкан ютуқларга эришмоқда. Ўзбекистон, Осиё ва Жаҳон чемпионатларида ватанимиз байроғини баланд кўтарётган спортчи оилалар ҳам айнан шу ердан етишиб чиққан. И.Досов фермерлар уюмасидаги Бешарик қишлоғида истиқомат қилаётган полвон, кураш ва самбо бўйича фахрий спорт устаси, кўп карра Ўзбекистон чемпиони, қатор халқаро мусобақалар голибу совриндори, фахрийлар ўртасида 2006 йилги жаҳон чемпиони Бобохон полвон, қолаверса, Абдуллаевлар сулоласини воҳада танимаган, билмаган инсон топилмас керак.

Оила вакиллари нафақат полвон, мураббий, ҳакам, балки камтарин ва тўғрисиқ инсон сифатида ҳам ҳурмат қилинади. Воҳамиз терма жамоасини Ўзбекистон чемпионатлари, “Умид ниҳоллари” ҳамда халқаро мусобақаларга тайёрлашда уларнинг ҳиссаси катта. Полвонлар сулоласининг ҳар бир вакили эл-юрт хурматига сазовор бўлиб келган. Улар полвонлик қилиш баробарида фойдалаи касб-хунар билан ҳам шуғулланишади. Абдуллаевлар оиласининг ёш вакили Бобохон болалик чоғиданоқ оға-иниларига қараганда чаққонлиги, шиддаткорлиги билан ажралиб турган. Тенгқурлари билан кураш тушганда кўпинча голиб келарди. Тўй ва сайилларда номдор полвонларга ҳавас қилиб, уларни ўзига устоз деб билди. Фақат уларгагина хос айрим усулларни пухта ўзлаштириб олди. Курашни профессионал даражада ўрганишни мақсад қилган полвон Бухоро давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетида ўқишга кириб, у ерда самбо кураши бўйича Европа ва Жаҳон чемпиони Собир Курбоновага шогирд тушиб, курашининг барча сир-асрорларини ўрганди. Полвон кураш ва самбо бўйича кўп карра Ўзбекистон чемпиони, қатор халқаро мусобақалар голибу совриндори бўлди.

Хозирда у Боғот туманидаги 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида самбо кураши бўйича бош мураббийлик

қилиб келмоқда. Ёш мураббий оға-инилари Оллаёр, Мадиёр ва Худоевларни ҳам кураш гиламига олиб чиқди. Уларга ҳам кураш сирларини пухта ўргатиб, полвонлар сулоласидан эканликларини ёдига солди. Айни пайтда унинг муносиб шогирдларидан 5 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 30 нафардан зиёди эса кураш ва самбо бўйича спорт устаси бўлиб, улар Ўзбекистон, Осиё ва Жаҳон чемпионатларида мамлакатимиз байроғини янада баланд кўтариб келмоқда. Бобохон полвоннинг икки нафар ўғли Абдулла ва Алижон полвон ҳам сулола изидан бормоқда.

Яқинда Тошкент шаҳридаги “Жар” спорт соғломлаштириш мажмуасида самбо кураши бўйича Осиё чемпиони ва самбо юлдузлари иштирокида жаҳон чемпиони таъинланди. Ушбу чемпионатда ўттизга яқин давлатлардан келган 500 нафардан зиёд номдор полвонлар беллашди. Айниқса, самбо юлдузлари иштирокидаги беллашувлар кўпчилик мутахассис ҳамда кураш мухлислари ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Осиё ва Жаҳон чемпионатларида голиб ва совриндор бўлган номдор полвонлар қатнашган ушбу беллашув “чемпионлар чемпионати” деб ҳам аталади. Мазкур беллашувда Ўзбекистон терма жамоаси сафида иштирок этган Бобохон полвон Абдуллаевнинг шогирдлари жаҳоннинг манаман деган полвонларни доғда қолдиришди. — Жаҳон чемпионла-

рини тайёрлаш орзуим 36 йил деганда рўёбга чиқди, - дейди полвон ва мураббий Б.Абдуллаев. — Бизнинг сулоламизда ҳозир самбо кураши бўйича учта жаҳон чемпиони бор. Шогирдларим билан ҳақиқати равишда фахрланаман.

Бу йилги Жаҳон чемпионатида ўттизга яқин давлатлар орасида Ўзбекистон терма жамоаси бош совринга сазовор бўлди. Бу галабада Б.Абдуллаев шогирдларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Қолаверса, Бобохон полвон ва унинг шогирдлари Боғот тумани ва воҳа бўйлаб мунтазам ўтказилаётган ўндан ортиқ хотира турнирлари ва мусобақаларини ташкил этиб келмоқда. Меҳнат қарамонлари, эл-юрт хурматига сазовор бўлган инсонларни хотирлаш мақсадида ўтказилаётган мусобақаларда ўнлаб, юзлаб янги номлар, бўлғуси чемпионлар етишиб чиқмоқда.

— Яқинда вилоятимиз ҳокими П.Бобожонов кураш бўйича Осиё ва Жаҳон чемпионатларида голиб ҳамда совриндор бўлган бир гуруҳ номдор полвон ва мураббийлар билан учрашди. Уларга эсдалик совғалари топширилиб, ташаккурномалар билдирилди. Очиғи, бундан кўнглимиз тордек кўтарилди, - дейди Б.Абдуллаев.

Курашчи полвонлар сулоласи вакили Бобохон полвон оз эмас, кўп эмас 36 йиллик самарали меҳнати учун “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси”, “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги” кўкрак нишони, “Кураш ва самбо спорт устаси”, “Миллий тоифадаги ҳакам” нишонлари, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси” фахрий унвони билан тақдирланган. Фарзандлари халқаро тоифадаги спорт устаслари, Паҳлавон Махмуднинг муносиб издошлари Абдулла ва Алижон полвон Абдуллаевлар “устоз-шогирд” аъналарини давом эттирган ҳолда тумандаги 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббийлик қилиб келмоқдалар.

Баҳодир БЕКЧАНОВ,
халқ депутатлари Урганч тумани Кенгаши депутати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, спорт устаси, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиб

Мутолаа

202 ЛОЙИҲА

ёхуд маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун маслаҳатлар


Буюк Ипак йўлининг кўналғисидан жойлашган мамлакатимизда қадимдан савдо-сотик ривожланган бўлиб, маданият ва маърифат тараққий топан ва бу орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчилар сони кўпайиб борган.

Ҳаммани ҳалол меҳнат билан бойиш йўллари, жамоани бошқариш, танқитли компанияларнинг муваффақияти ёки шу соҳага тегишли бошқа манба, сир-асрорлар доимо қизиқтириш табиий. Хўш, бунинг учун нима қилиш керак? Инсоният тарихи қадим қадим бўлган савдо-сотик ёки хунармандчилик ҳақида ҳар кимнинг ҳам ўз қараш ва фикр-мулоҳазалари бор. Кимдан бўлмасин бу ҳақда бирор яхши фикр ёки янгиликни ўрганишга интиламиз

Яқинда “NOSHIR” нашриётда ёш тадқиқодчи Мардон Аслоновнинг “Бизнес бошлаш учун 202 лойиҳа” номли китоби чоп этилди. Мазкур китобда “Ўзбек модели”нинг беш тамойилига мос келадиган самарали лойиҳалар, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан

ўтказиш босқичлари ҳақида тушунча ва маслаҳатлар бериб ўтилган. Муаллиф оилавий тадбиркорлик, сервис хизмати, миллий хунармандчилик ёки ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаш арафасида турган ёшлар учун гоётда керакли бўлган 202 лойиҳада сарф-ланадиган маблағ, қўллаган салбий ва ижобий жиҳатлар, реклама фаолияти, бозордаги талаб ва тақлиф, “Elmadad” ижодий гуруҳи томонидан олиб борилган сўров натижалари каби барча зарур маълумот ва манбааларни йиғиб, яхлит китоб ҳолатига келтирган.

Бугун мамлакатимизда исталган киши ўзининг тадбиркорлик фаолиятини юритиши мумкин. Буниг учун қулай муҳит, шарт-шароит яратиб берилган. Қонункорлик субъектларини рўйхатдан



Бўлган юртдошларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Хоҳиш-истак бўлса бас.

Китоб муаллифи китобхонлар ундаги келтирилган лойиҳалардан бирини танлаб олиб, амалга ошириши тарафдори.

“Бизнес бошлаш учун 202 лойиҳа” номли китоб аудиторияси 9-синфни битирган ўқувчида бошлаб барча ёшдаги китобхонларни қамраб олади. Сизнинг китоб жавонингиз кундалик ҳаётиимизда гоётда фойдали бўлган яна бир қўлланма билан бойишига ишонамиз.

Нурали ЙЎЛДОШЕВ

Бизнинг шарҳ

АВСТРАЛИЯ ПАРЛАМЕНТИ

Австралия иттифоқининг юқори қонун чиқарувчи ҳокимияти саналади



1927 йил 9 майга келиб, пойтахт Канберра шаҳрида федерал парламентнинг расмий йиғилиши ўтказилди.

Конституциянинг 1-бўлим 1-бобида Австралия қироличаси парламент таркибий қисмини ташкил этиши белгилаб қўйилган. Мамлакат бош вазирининг тавсияси билан тайинланадиган монархнинг генерал-губернатор вакили сифатида фаолият кўрсатиши алоҳида қайд этилади. Унда кўрсатилишича, монарх генерал-губернатор берган ваколат асосида ишлаб чиқилган қонун ҳужжатларига қиролича кўриб чиқишдан аввал раддия бериш ҳуқуқига эга. Асосий қонун таъминига кўра, генерал-губернатор фақатгина алоҳида вазифасини бажариб, давлат ҳаётига оид энг муҳим масалаларни муҳокама этишда фикрини билдириш ҳуқуқига эга.

Парламент палаталарининг ҳар иккисини раис бошқаради. Сенат раиси Президент деб номланади, Вакиллар палатасида Спикер деярлик юретилади. Раисни сайлаш яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади, сайловларда қайси партия вакили устун келса, ўша партия етакчилигини кўлга олади.

Мамлакат Конституциясида палаталарнинг керакли таркиби белгилаб қўйилган. Агар Қонун лойиҳаси муҳокамаи чоғида парламент аъзолари сони белгиланган таркибдан кам бўлса, мажлис тўхтатилиши лозим. Амалиётда эса аъзолар розилиги билан парламент вакилларининг айримлари бўлмасда, муҳокама давом этиши мумкин.

Қонуний ҳужжатларни қабул қилиш, икки палатанинг қарори асосида, депутатларнинг оғзаки "ҳа" ёки "йўқ", деб овоз беришлари билан амалга оширилади. Агар бирон палатадан камиди икки киши қарорни маъқулласа, улар "алоҳида овозга қўйиш"ни талаб этиши мумкин. Бундай вазиятда Вакиллар палатаси аъзолари ва сенаторлардан қонун лойиҳасини тўғри деб топганлари маж-

куга эга. Дастлабки олти штатдан сайланган сенаторлар тенг ҳуқуқли бўлиб, улардан камидан 6 нафар вакил Сенат таркибига киритилиши лозимлиги Конституцияда мустақамлаб қўйилган.

1949 йилга қадар ҳар олти штатдан 6 нафар сенатор сайланган бўлса, 1984 йилдан ҳозирга қадар уларнинг сони 12 тани ташкил этмоқда. Айни кунда Австралиянинг барча ҳудудий бўлимларига 2 тадан сенаторлар тўғри келиб, улар партиялар тавсияси билан сайланади. Сенаторлар 6 йиллик муддатга сайланиб, ҳар уч йилда тенг ярми янгиланади. Сенаторлар пропорционал сайлов тартиби асосида сайланади.

Мамлакат парламенти тарихдан маълумки, XIX асрнинг ўрталарида, Австралия Британия колонияси бўлган пайтда ҳудуддаги штатларнинг парламенти ташкил этилган. 1856 йил - Янги жанубий Уэльс, Виктория ва Тасмания парламенти, 1857 йил - Жанубий Австралия, 1860 - Квинсленд, 1890 йил - Фарбий Австралия парламенти сифатида фаолият олиб борган. 1901 йил Австралия иттифоқи ташкил этилган, шу йилнинг 9 майида Мельбурнда мамлакатдаги биринчи федерал парламентнинг расмий очилиши бўлиб ўтди. У ўз мажлисларини 1901-1927 йилларда Мельбурннинг Виктория штати парламенти биносидан ўтказиб келди. Боси у вақтда Конституцияда белгиланган пойтахт шаҳар барпо этилмаган эди.

Мамлакат парламенти икки палатали бўлиб, Вестминстер анъаналарига амал қилган ҳолда ўз вазифаларини амалга оширса-да, унинг тузилишини белгилашда хорижнинг бой тажрибалари, хусусан, АКШдаги парламент структурасига ҳам таянган. Австралия Конституциясининг биринчи бўлим, биринчи бобида белгилашчи, қонун чиқарувчи орган таркибини Буюк Британия қироличаси, Сенат ва Вакиллар палатаси ташкил этади.

Айни пайтда 150 депутатдан иборат Вакиллар палатаси куйи палата саналиб, аъзолари алоҳида округлардан сайлаб олинган вакиллардан иборат. Ушбу палата Қонуннинг асосий ижодкори ҳисобланиб, унинг таркибий тузилиши ўзгариб туради. Масалан, 1933 йилги парламент сайловларида 147 нафар, 1996 йилда 148, 2001 йили эса 150 нафар депутат сайланган. Қонун ижодкорлари мамлакатдаги партиялар тақдирини билан мажоритар сайлов тартиби асосида, очик овоз бериш йўли орқали 3 йил муддатга сайланади. Ҳукумат таркиби куйи палата депутатлари ҳисобига шаклланади. Аксарият ҳолларда етакчи партия раиси тўғридан-тўғри Австралия бош вазирини этиб тайинлаши мумкин.

Депутатлик номзодлик бериш штат ёки бирор ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли сонига мос равишда тақсимланади, бироқ уларнинг таркиби 5 тадан кам бўлмаслиги лозим. Ҳатто, 1922 йилги Парламент қарори билан Шимолий ҳудудга битта депутатлик ўрни тўғри

келган. 1968 йилга қадар ҳудудлардан номзодлар сайланиши овоз бериш йўллари билан чегараланган эди. Бугунги кунга келиб эса ҳар ҳудуддан иккитадан номзод сайланади.

Вакиллар палатаси ишчи ва ички кўмиталарга бўлинган ҳолда фаолият олиб боради. Ишчи кўмита ҳукумат ишларига жавоб бериб, жамият ҳаётига оид турли масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этади. Улар томонидан сайловчилардан келган маълумотлар, саволлар қабул қилиниб, ҳукумат бошқарувчиларнинг саралаш ишлари амалга оширилади. Бу билан кўмита ҳукумат фаолиятини қайта кўриб чиқади. Ички кўмита аъзолари эса палата фаолиятини назорат этади.

Парламентнинг юқори палатаси ҳисобланган Сенат аъзолари 76 нафардан иборат. Белгиланган тартибга кўра, мамлакатдаги ҳар бир штатдан аҳоли сонига боғлиқ бўлмаган тартибда 12 ва континентал ҳудудлардан 2 нафар вакиллар танлаб олинади. Шунингдек, Парламент сенаторлар таркибини ўзгартириш ҳуқу-

лислар залининг ўнг тарафига ўтиришса, қаршилар чап тарафни эгаллайди. Шундан сўнг махсус вакиллар ва парламентдаги бошқа партиялари аъзолари томонидан овозлар саналиб, якуний қарор қабул қилинади. Вакиллар палатаси Спикери овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Қачонки, овозлар сони тенг бўлиб қолганда, ҳал қилувчи овоз, бериши мумкин. Сенат президенти эса овоз беришда иштирок этади, бироқ, якуний овозни бера олмайди. Агар бирор қонун ҳужжатини кўриб чиқиш чоғида икки палата ўртасида низо келиб чиқса, палаталар тарқатиб юборилиши Конституцияда белгилаб қўйилган. Бу амалиётда "кўшалоқ тарқатиш" (ёки «double dissolution») дея номланади. Агар янги тарқатиб ташкил этилган сўнг ҳам қарама-қаршиликлар бўлса, генерал-губернатор томонидан кўшма мажлис ўтказилади. Бундай ҳолат Австралия тарихида 1974 йил кузатилади.

Вакиллар палатаси ва Сенатнинг ихтиёрий аъзоси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Бироқ бу ҳуқуқ молиявий ҳужжатларни қабул қилганда чекланади. Улар Вакиллар палатаси томонидан алоҳида тартибда кўриб чиқилади ва Сенат унга бирон ўзгариш кирита олмайди. Ҳар қандай қонун лойиҳаси палаталар томонидан кўриб чиқилган ва маъқулланган бўлиши лозим. Шундан сўнггина лойиҳалар қонуний кучга кириши мумкин.

Австралия парламенти Қонун чиқарувчилик вазифасидан ташқари энг муҳим масалаларни, давлат аҳамиятига молик, мамлакат сийбати билан боғлиқ қатор вазифаларни муҳокама этиш ваколатига эга. Бундан ташқари ҳукумат аъзолари ёки вазирларга ишонсизлик билдирилган ҳолларда уларни қайта тасдиқлаш ҳуқуқига эга. Шунингдек, Парламентда Бош вазир ҳамда вазирлар учун "Саволлар вақти" ажратилган.

Ана шу тартибда фаолият кўрсатадиган Австралия парламенти Қонунчилик тизимини тартибга солувчи асосий куч саналади. Демократик таъминоти билан алоҳида иш олиб борадиган ҳокимиятнинг олий органи фуқаролар манфаатини кўзлаб, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқади.

Нурсора АДАШБОВА

- Австралия жанубий ярим шарда жойлашган давлат бўлиб, аҳолиси 23 миллиондан ортиқ.
- Бозор иқтисоди юқори ривожланишга эга бўлган аграр-индустриал мамлакат. Саноати: машинасозлик, тоғ-кон, кимё саноати, озиқ-овқат, пўлат куйиш. Кишлоқ хўжалиги асосан экспортга ихтисослашган.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Инсон саломатлиги муҳим

Пекин шаҳри ҳавоси инсон саломатлиги учун хавфли, деб тан олинган.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ҳаводаги майда дисперсли муаллақ зарралар миқдори Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган меъёрдан ошиб кетган. Метеохимист вакиллари Хитойнинг шимолий худудидagi ҳаво ҳаддан ташқари ифлосланганини маълум қилмоқда. Ҳаво ифлосланиши туфайли олимлар респираторли касалликларга чалинган одамларга ниқоб тақиш ёки умуман кўчага чиқмасликни тавсия этмоқда.



Аввал "Toyota", кейин "BMW"

"Toyota" дунёдаги энг қиммат автомобиль бренди сифатида баҳоланган.


Япония компанияси яна Германиянинг "BMW" ва "Mercedes"ни орта қолдириб, жаҳондаги энг қиммат автомобиль бренди номини сақлаб қолган. Мазкур брендининг қиймати 35,3 миллиард АҚШ доллари сифатида баҳоланди. Бу уни жорий йилда умумий ҳисобда 10-рақамли энг қиммат брендга айлантди (1-ўрин "Apple" корпорациясига насиб этган). Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг энг қиммат автомобиль брендлари қаторига, шунингдек, "Honda", "Ford", "Hyundai", "Audi", "Porsche" ва "Nissan" компаниялари ўрин олган.



Сирли қизил сайёра

Марсда қадимги вулконлар изи топилган.


Лондон Миллий тарих музейи ходимлари Қизил сайёра рельефини хариталар ёрдамда ўрганиш жараёнида олдин метеоритларнинг изи сифатида қабул қилинган улкан чуқурликлар аслида вулконлар туфайли ҳосил бўлган кратерлар, деган ҳулосага келди. Таҳминларга кўра, вулконларнинг отилиши Марс атмосфераси ва иқлимнинг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Ушбу кашфиёт сирли қизил сайёрани ўрганиш ишларига янги туртки бериши шубҳасиз.



Видео-роликдан эҳтиётланинг

"Facebook" тармоғидаги вирус қарийб 1 миллион нафар фойдаланувчига ҳужум қилган.

Тарқатилган маълумотларга қараганда, мазкур тармоқда дўстлардан келган видео-ролик кўринишидаги вирусли дастур соатида 50 мингга ҳужум тезлиги билан тарқалмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, фойдаланувчи видео роликни кўриши учун браузерга плагин ўрнатиши тақдирда саҳифага тушади. Фойдаланувчи плагинни юклаб олган, ҳақерлар унинг браузерларида сақланаётган барча маълумотлар, шу жумладан ижтимоий тармоқдаги аккаунт ва электрон почта паролларига эга бўлади. Бунинг устига вирусли дастур браузер созланмаларини ҳам ёпиб қўяди. Маълумотларга қараганда, ҳозир "Google Chrome" браузерининг 800 мингдан ортиқ фойдаланувчиси ушбу вирусдан жабрланган.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Рангин дунё

Уруш ва тинчлик халқаро музейи

бўлимларни ўз ичига олади. Музей экспонатларининг каттагина қисми урушлар тарихига ажратилган бўлса, тинчлик ҳақида фақат икки бўлимда ҳикоя қилинади. Ҳарбийлар ҳаёти билан боғлиқ экспозициялар музейнинг исталган қисмида учрайди. "Қурол-аслаҳалар тарихи", "Стратегия" ҳамда "Флот" бўлимларида музейнинг энг ноёб экспонатлари намойиш этилган бўлиб, улар қурол-аслаҳаларнинг яралиши ва ривожланиш тарихидан сўзлайди. Бу ерда ҳатто, ибтидоий одамларга тегишли ов анжонларидан тортиб, тошдан ясалган қуролларгача топилади.

Ойнаванд тоқчаларда инсоният томонидан кашф қилинган қурол-аслаҳалар даврларга бўлинган ҳолда тавсифланган. Музей экспозицияларида намойиш этилаётган қадимий қуроллар ичида тош иргитувчи мослама, ўқ-ёйлар ҳам бор. Инсоният ҳақида ҳарбий қуроллардан узоқ йиллар давомида фойдаланиб келган. Ҳарбийлар катапульта ва баллиста ёрдамида босқинчиларга қаштакчи зарба беришган. Музейнинг ўтли ўқотар қуроллар бўлими ҳам нодир коллекцияларга эга. Экспонатлар орасида Шаспо, Пибоди, Мартини, Манлихер,



Маузер ва ҳоқаза русумдаги милтиқларни учратиш мумкин. Яна бир махсус бўлимда эса 1800-1900 йилларда ясалган швецар милтиқлари томошабинлар элитборига ҳавола этилган.


Порохнинг кашф этилиши ҳарб ишида туб бурилишлар ясагани рост. Инчунун, музейда қурол-аслаҳалар билан бир-

га порохнинг тайёрланиши жараёни ҳам кўрсатилган. Жадвалларда қора ва ўзидан тутун чиқармайдиган порохлар ҳақида атрофлича маълумот берилган. Қолаверса, бўлим экспонатлари орасида бронзадан ясалган замбарак, фақатгина от аравалардагина ташилган оғир артиллерияларни кўриш мумкин. Улар аравага

қўшилган 11 та от ёрдамида ташилган. Бундай замбараклар мис, темир ҳалқа ва арқондан ясалган бўлиб, ўқотарнинг уст-кисми гилоф билан қопланарди. Бу ерда ҳарбий денгиз флотини учун ҳам алоҳида бўлим ажратилган. Унинг экспозицияларида турли хил кема (эшакли ва елкакли)лар учрайди. Ҳатто, энг қадимги даврларда

финикиялик, мисрлик, грециялик, римлик, нормандиялик кема-созлар томонидан ясалган сув транспортгача топилади. Айниқса, ҳарбий кемаларнинг бир нечаси буй-басти билан кўрсатилган.

Тинчлик залига ўтиш йўлидан жангу жадалларда яралган аскарлар, уларга кўрсатилган тиббий ёрдам, дала госпиталлари ва Қизил хоч жамиятининг санитарлар отряди акс эттирган экспонатлар ўрин эгаллаган. Бундан ташқари, Тинчлик залининг ўзидики "Сиёсий иқтисод" ва "Халқаро ҳуқуқ" бўлимлари мавжуд. Уларнинг бирида урушлар келтирган муваффақият ортида беғуноҳ қурбонлар борлиги, урушлардан кўрилан зарар даромадга нисбатан анча кўплиги кўрсатиб берилган. Ундан кейинги бўлимда эса халқаро ҳужжатларга кенг ўрин ажратилган. Хусусан, 1864 йилги Женева конвенциясининг ўз тарихи бор. Ушбу конвенция ярадорларга ёрдам бериш тўғрисида бўлиб, тўлдириш ва тавсиялар қилинганга қарамай барибир қабул қилинмай қолади. Ҳуқуқий ҳужжатлар қаторидан Қизил хоч ташкилотчиларидан бири Анри Дюнан, унинг ёрдамчилари —



генерал Дюфур ва Монье тасвирланган портрет, шунингдек, голланд расмони Тен-Катенинг "Урушдан сўнг", "Инсониятга тинчлик беринг", "Келажак тарихини" ҳамда "Урушга қарши уруш" деб номланган тасвирий санъат асарлари жой олган.

Бир сўз билан айтганда, музей инсониятнинг меҳр-шафқатли бўлишига, ҳаётни қадрлашга ўргатади. Бу ердаги ҳар бир экспонат тарихий аҳамиятга эга. Уларнинг ҳар бири қачонлардир қайноқ нуқталарда қатнашган, не-не қурбонликларга гувоҳ бўлган. Ҳозир улар инсоният хизматида, келажак авлодларга ибрат бўлсин учун музей залларидан муқим жой олди.

Зафар МУҲАММАД

Швейцария қачонлардир ҳарбий салоҳияти кучли мамлакат бўлган. Бироқ, ҳозир тинчликсевар давлатлар сирасига қиради. 1815 йили Вена конгресси томонидан берилган абадий нейтралитет уни тинчлик тарафдорига айлантирди. Марказий Европада жойлашган кўп миллатли ўлка танлаган йўлидан борди ва айнан шу ерда энг биринчи инсонпарварлик ташкилоти Қизил хоч ташкили этилди. Тинчликсевар мамлакатни дунёга танитган яна бир ишшоот Уруш ва тинчлик халқаро музейи бўлади.

Люцерн шаҳрида жойлашган бу музейга 1901 йили асос солинган. Даставвал, музей темир йўл вокзали ёнидаги ёғоч уйда фаолиятни бошлади. Ҳозирги кунда ундан асар ҳам қолмаган. Айни пайтда Уруш ва тинчлик халқаро музейи шаҳарнинг тоғолди қисмига кўчирилган бўлиб, готик услубда қурилган икки қаватли тош бинодан жой олди. Музей иккита катта бўлимдан иборат. Ўз навбатида уруш бўлими бир неча кичик

22-27
Октябрь

“ART WEEK STYLE.UZ — 2013”

йилнинг энг катта лойиҳасига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда

Тараддуд

Шу йилнинг 22-27 октябрь кунлари пойтахтимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган энг йирик маданий лойиҳа «Art Week Style.uz-2013» санъат ҳафталиги бўлиб ўтади. Мазкур ҳафталик доирасида театр, кино, маданият, мусиқа фестиваллари, халқаро замонавий санъат биеналеси, халқаро илмий-амалий конференция, матбуот анжуманлари, маҳорат дарслари ҳамда бир-биридан қизиқарли тадбирлар ўтказилиши кўтилмоқда. 2006 йилдан бундан ўтказилаётган, шундан-шунга ўзига хос жозиба ва жўшқинлик касб этаётган ушбу ҳафталик давомидо иштирокчилару юртимиз меҳмонлари ўзбек ва жаҳон санъати намуналаридан, маданият янгиларидан, миллий урф-одат ва анъаналаримиздан баҳраманд бўлиши имконига эга бўлишиди.

Саккизинчи мартаба ўтказилаётган «Art Week Style.uz» лойиҳасининг бош ташкилотчиси — «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳисобланади. Мазкур санъат ҳафталиги санъатнинг турли йўналишларида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, ижод олами вакиллари қўллаб-қувватлаш мақсадида Британия Кенгаши, Француз ҳамда Ёте институтлари, йирик хорижий ва маҳаллий идоралар, жамоат ташкилотлари кўмаги билан ўтказиб келинмоқда. Тошкентда ўтказилаётган санъат ҳафталиги бошқа худди шу каби ҳафталиклардан тубдан фарқ қилади. Сабаби, бу ерда расом ва нодир буюмлар кўргазмаси, турли тақдимотлар, миллий либослар фестивали, миллий ва хорижий модельерлар дефилиси, маҳорат дарслари, конференциялар, хайрият концертлари ва жаҳон эстрада юлдузларининг чиқишларига ўрин ажратилган.

“ОЛТИН ГЕПАРД”

III Тошкент халқаро кинофоруми

19 октябрдан 24 октябрга қадар ўтказилаётган III «Олтин гепард» Тошкент халқаро кинофоруми санъат ҳафталигини бошлаб беради. Бу галги йирик киноанжуман «XXI аср тамаддунинг маданиятлар мулоқоти» мавзусига бағишланган бўлиб, ушбу мавзу лойиҳанинг асосий фоюси ифода этади. Кинофорумнинг бу йилги шиори — «Кўзгу ва тилсимда, акс-садо ва маҳозий ифодада» деб танланди. Ташкилотчиларнинг фикрича, мазкур шир «Олтин гепард» кинофоруми моҳиятини очиб бериш билан бирга, унинг кўламини янада кенгайтириш, жаҳон кинематографиясининг бугунги кундаги илгор анъана ва таърибларини томошабинларга яқиндан таништириш имконини беради.

Айни кунларда мазкур йирик киноанжуманга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Кўлаб ижодий учрашув ва мулоқотлар бўлиб ўтипти. Таниқли санъаткор, режиссёр ва санъатшунос мутахассислар иштирок этган тадбирларда навбатдаги нуфузли халқаро анжуманга тақдим этилаётган фильмлар ҳақида атрофлича маълумотлар берилмоқда. Саралаш натижасида 12 та тўлиқ, 10 та қисқа метражи ва 10 та анимацион фильмлар

танлаб олинди. Саралашдан ўтган ва танлов дастурига киритилган фильмларни баҳолаш учун маҳаллий ва хорижий кино арбоблардан иборат халқаро ҳакамлар ҳайъати тузилди. Улар яширин овоз бериш орқали голибини аниқлашади. «Олтин гепард» халқаро кинофоруми мукофотлари «Энг яхши анимацион фильм учун», «Энг яхши қисқа метражи фильм учун», «Энг яхши тўлиқ метражи фильм учун», «Энг яхши эркак роли», «Энг яхши аёл роли», «Энг яхши режиссура» номинациялари бўйича топширилади.

Танлов дастурига киритилган фильмлар намоиши, хорижий кино арбобларнинг маҳорат дарслари, «Глобал дунёда миллий кино» илмий анжумани, шунингдек, танловдан ташқари «Ўзбек кинеси панорамаси», «Томошабин билан озма-юз» ва «Ретроспектив намоиши» навбатдаги кинофорум дастуридан ўрин олган.

“Theatr.uz/2013” ХАЛҚАРО ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ

20-26 октябр кунлари «Art Week Style.uz» санъат ҳафталиги доирасида туртинчи мартаба ўтказилаётган «Theatr.uz/2013» халқаро театр фестивали бўлиб ўтади. Бу йилги фестивалда Литва, Россия, Исроил, Тожикистон каби хорижий мамлакатлардан 6 та, вилоят театр жамоаларидан 6 та, пойтахт театрларидан 8 та сахна асарлари ҳамда «Ёшлар ижоди» дастури ва ҳамкорликдаги 1 та лойиҳа намоиш этилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон ёшлар театри ва Ўзбекистон Давлат санъат ва Маданият институтида Германия, Беларусу ва Франциядан ташриф буюрган театр мутахассислари иштирокида 4 та маҳорат сабоқлари ўтказилади.

«Theatr.uz/2013» фестивали давомида Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, У.Гажибеков, А.Барикко, И.Члаки, Г.Андерсен, К.Гоци каби жаҳонга машҳур муаллифларнинг сахна асарлари томошабин ва мутахассислар эътиборига ҳавола этилади. Фестиваль доирасида ўтказилаётган «Ёшлар ижоди» да ўзбекистонлик 5 нафар ёш режиссёрнинг спектакллари намоиш этилади. Спектакллар намоишига Халқаро театр уюшмалари конфедерациясидан Эксперт комиссияси тақлиф

этилган. Улар томонидан 2014 йилда МДХ, Болтибўйи мамлакатлари ва Грузияда бўлиб ўтадиган театрчилар форумига номзодлар ҳам танлаб олинади.

VII ТОШКЕНТ ЗАМОНАВИЙ САЪНАТ БИЕНАЛЕСИ

Маънавият ва маърифат, санъат ва нафосат байрами сифатида юртдошларимиз ва хорижийларни ўзига чорлаб келатган ушбу санъат ҳафталигининг Art блогидан VII Тошкент замонавий санъат биеналеси ҳам ўрин олган. Унда дунёнинг 45 мамлакатидан 200 га яқин таниқли ва ёш расомларнинг асарлари намоиш этилади. Айни кунларда санъат биеналесига тайёргарлик ишлари кетаяпти. Биеналедда расмлар билан биргаликда инсталляция, видеопроект ва ҳайкалчалар намоиши ҳам ўтказилади. Яна шуниси ахамиятлики, ижодкорлар ўзаро ҳамкорликда томошабин кўз ўнгига асарлар яратишади. Шунингдек, ҳафталик доирасида таниқли расом ва фото ижодкорларнинг янги асарлари намоиш этилади.

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР ФЕСТИВАЛИ

«Art Week Style.uz-2013» санъат ҳафталиги доирасида ёш ижодкорларнинг «Underground» деб номланган тўпламлари мода ва дизайн ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилади. Италия, Хитой, Франция, Испания, Германия, Малайзия, Швейцария каби давлатларда ўз махсусотларини намоиш қилувчи таниқли брендларнинг тўпламлари қатори мамлакатимиздаги етакчи дизайнерлар томонидан яратилган либослар намоишлари, миллий либослар фестивали санъат ҳафталиги кун тартибига киритилган.

Анъанавий санъат, мода ва дизайн кўргазмасининг бир қисмида, асосан, «Навқирон Ўзбекистон» анъанавий ва замонавий санъат фестивалида иштирок этган ёш уста ва расомлар томонидан ишланган халқ амалий безак санъатининг турли кўринишлари экспозициялари намоиш этилади.

Бу йилги санъат ҳафталигида ҳам халқаро илмий-амалий конференция, ташкилотчилар ва лойиҳа муаллифи Гулнора Каримова иштирокида кенгайтирилган матбуот анжумани, маҳорат сабоқлари, хайрият акциялари ҳамда турли тақдимот, концерт, кўнгилочар тадбирлар, ёшлар иштирокида турли билим-беришлар тақдим этилади. Шоу-бизнес, мода, кино, театр, санъат, мусиқа, ОАВ оламининг таниқли ва машҳур вакиллари билан бевосита учрашиш, суҳбатлашиш имкони яратилади.

Сара АТКИНСОН,

Лондон санъат университети ва мода коллежи махсус лектори:
— Фонд Форум ташкил этган санъат ҳафталиги ҳақида кўп гапириш мумкин.

Аммо, бир нарсани алоҳида таъкидлаш ўринлики, бу лойиҳалар халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамламоқда. Мана олти йилдирки, ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Бизнинг талабалар Ўзбекистонлик тенгдошлари билан биргаликда янги дизайнлар яратиш билан бирга, атлас, адрас, бекасам каби миллий матолар, уларнинг тарихи ҳақида маълумотларга эга бўлишди.

Ўзбекистонлик ёшларнинг мода ва дизайн санъатига қизиқиши ниҳоятда баланд экан. Бу ерда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳавас қилгудек. Қолаверса, мамлакатингизда мода ва дизайн йўналишида ўқув юртларининг борлиги, етук кадрлар тайёрланаётгани, соҳани янада тараққий этиб бораётганидан дарак беради.

Роза ТУЛВИО,

Лондон мода коллежи талабаси:

— Ўзбекистонга илк марта келишим. Бундай катта маданий тадбирда ўз ичидим билан иштирок этаётганимдан мамнунман. Санъат ҳафталигидаги ранглар жўшқинлиги, атлас, адрас, шойи каби матолар иштирокчиларда катта таассурот қолдиради. Дизайнер сифатида анжумандан олган илҳом манбаларимдан либослар яратишда, албатта фойдаланаман.

Икки томонлама алмашинув дастурлари ижодкорлар учун жуда ҳам муҳим. Чунки, кўрмаган жойларимизни кўриб, ўзимиз учун кўп янгиликлар кашф этмоқдамиз. Бу каби ҳамкорлик давом этишини истаб қоламан.

Паул ХАРМАН,

режиссёр (Буюк Британия):

— Жаҳон мексисида глобаллашув жараёнлари тобора кескинлик касб этиб бораётган бир пайтда миллийликка хос бундай санъат ҳафталигини ўтказиш катта воқелиқдир. Тадбир доирасида қўллаб санъаткорлар, ижодкорлар ижодий мулоқотга киришиб, ўзаро тажриба алмашамиз. Шундай гўзал ва бетакрор Ватанингиз борлигига ҳавас қилаяман. Ўзбекистон, унинг бағрикенг, меҳмондўст халқи, бетакрор тарихий обидаларини ҳеч қачон унутмайман.

Ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлиш, нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон театр санъати ривожига ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатингизни жаҳон санъати ва маданияти ривожига қўшаётган ҳиссаси беқиёс. Бу Ўзбекистонни тинч ва осуда юрт сифатида дунё майдонига янада эътибор қозонаётганидан далолатдир.

Эркин ДОРИПОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Шолғом

Асосан озик-овқат махсулоти сифатида истеъмол қилинувчи шолғом давловчи восита ҳамдир. Бу экин бир қатор халқотларини энгис хусусиятига эга. Шолғом лизид меваси таркибида қанд, минерал тузлар, дармондори (В1, В2, В6, РР, каротин)лар, панотен кислотаси, оксил, карбон сувлари ниҳоятда кўп. Шу билан бирга, унда калий, кальций, темир, фосфор, натрий каби моддалар ҳам топилади.

Абу Али ибн Синонинг ёзишича, қоринга шолғом уруғи қўйиб боғланса, елни ҳайдайди. Ичини уйиб, унга мум билан гул мойи солиниб, кўргақумиб, эритилгани тери хасталиқлари ҳамда совуқдан пайдо бўлган ва ярага айланган ёриқларга наф беради. Қайнатиб пиширилган шолғом ҳам шундай таъсир кўрсатади. Шолғомни гўшт билан пиширилгани кўкрак ва томоқни юмшатади. Шолғом пиширилиб ёхуд хомлигича истеъмол қилinsa, кўзга фойда, нафас йўлини ростлайди, юрак беҳаловатлигида ажойиб малҳам бўла олади. Шолғомнинг асал билан аралаштирилган шарбати йўталга барҳам беради, ҳарорат кўтарилиганида, томоқ органида наф келтиради. Пиширилган шолғом бўтқаси подагра билан орган жойга боғлаб қўйилса, шифо бағишлайди. Шолғом пиширилганда шифобахшилик янада ортади. Чунки пишириш жараёнида ундаги гликозид хантал мойига айланади. Шунда у иштаҳани яхшилаб, асаб тоналарини уйғотади. Шолғомдан ўлка, нафас йўли касалликларида, ҳарорат хуруж қилган пайтларда, юрак бетақатланганида фойдаланилади. Балғам кўчирувчи, назла ҳайдовчи сифатида халқимиз ундан қайнатма шўрва қилиб ичадилар. Дамланган шолғом эса меъда-ичак йўли фаолиятини уйғунлаштиради.



БИЛАСИЗМИ?

Қадимда сиёҳранг ўта ноёб бўлиб, унинг тайёрлаш технологиясини фақат грекларгина биларди. Ушунда буюк жуда катта микдордаги шиллик куртлардан олинган. Уларни қайта ишлаш осон бўлмагани учун ҳам сиёҳ ранг буюк жуда қиммат турган.

Андерс Цельсий — швед астрономи ва физиги. 1742 йилда 100 градусли температура шкаласини тақлиф қилган. Цельсий шкаласида сувнинг музлаш температураси (00С) билан қайнаш температураси (1000С) оралиғига тенг 100 қисмга бўлинади. Ҳаво ҳароратининг бирлиги одатда Цельсий шкаласи бўйича ўлчанади.

ТУРФА ОЛАМ

Сувга чидамли кулоқчин

“НЕПТУН” КУЛОҚЧИНИ ВА МРЗ-ПЛЕЕРИ 3 МЕТР ЧУҚУРЛИҚДАГИ СУВ ТУБИДА ҲАМ ИШЛАЙВЕРАДИ.



Энди сузишни ёқтирадиганлар бемалол ана шу кулоқчин билан сувга шўнғишлари мумкин. Ишланма муаллифларининг айтишича, бундай кулоқчиндан таралаётган мусиқа тўғри миёга бораркан. Бу ҳолат аввалига ғалати туюлиши мумкин. Бироқ, вақт ўтиши билан инсоннинг ўзи ҳам бунга қўшилиб кетади. Антика кулоқчинга МРЗ-плеери ўрнатилган бўлиб, 4 Гб хотирага ва мингдан ортиқ қўшиқ ёзиш имкониятига эга. Кулоқчиннинг орқа қисмидан эса плеер учун мўлжалланган OLED экранни жой олган.

Кўёшли уй

БУЮК БРИТАНИЯДА КҮЁШ ЭНЕРГИЯСИДАН ҚУВВАТ ОЛАДИГАН УЙЛАР СОТУВИ ЙЎЛГА ҚҮЙИЛДИ.



Мазкур уй сохиблари газ ёхуд чироқ учун ҳақ тўлашмайди. Чунки бундай уйлар томига кўёш батареялари ўрнатилган бўлиб, ўзини-ўзи иссиқлик ва ёруғлик манбаи билан таъминлайди. Экологик тоза уй ёғоч конструкцияга эга. Уй ёғир сувларини махсус резервуарга тўплайди. Сувуқ кунларда ана шу сув кўёш батареялари ёрдамида иситилади ва иситиш қувурларига юборилади. Барча технологиялар ягона тизим орқали бошқарилади. Тизим уйдаги ҳарорат, кўёш батареяларидан олинаётган қувват миқдорини доимий назорат қилиб туради. Бундан ташқари, уйларнинг жануб томонга қараган ойналари уч қаватли шиша пакетлардан ишланган. Бу уйни иссиқ тутиш ва энергияни маромида сақлаш имконини беради.

Зафар МУҲАММАД тайёрлади

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси партия Қарши туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Дилрабо Камоловага турмуш ўртоғи

Самад ТҮЙЧИЕВнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Хонатлас

бетакрор миллий мўъжиза

Ўзига хос услубда тўқиладиан ушбу ноёб мато бетакрор буюқлар жисосидан янада мафтункор тус олади. Диёримизда бу матони севиб қадрлайдилар, ёш қизларимиз ва аёлларимиз ундан миллий ва замонавий услубдаги кийимлар тикиб кийишни қанда қилмайдилар. Хонатлас ва шу сингари бошқа миллий матолар нафақат юртимиз, балки хорижий дизайнерлар эътиборига ҳам тушиб қолмоқда.



(Ўз.У) олаш суради.

Пойтахтимизнинг Миллий санъат марказида бўлиб ўтган Хонатлас фестивали ҳар доимидан-да файзли ўтди. Меҳмонларнинг аксариятини олий таълим муассасалари, коллеж, лицей ва мактабларда фаолият юритаётган ўқитувчи ва мураббийлар ҳамда фестивал меҳмонлари ташкил қилди.

Ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни маданий мерос, анъана ва урф-одатларни сақлаб қолиш ва янада бойиштига ўргатиш, ёш дизайнерларни қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳани янада ривожлантириш фестивалнинг асосий мақсадиридир. Олтинчи мартаба ўтказилаётган Хонатлас фестивали бу йил ҳам иқтидорли ёшлар ортиқ кутадиган анъанавий шоғра айланди. Миллийлигимиз рамзларидан бири бўлган хонатлас матосига қаратилган ушбу эътибор замирида аслида ўзбекона анъаналаримизга бўлган чуқур муҳаббат яширин.

Ундаги минг хил рангда товланувчи миллий нақшлар жисоси эса дунёни мафтун этиб келатганида ҳам ҳикмат кўп.

Намоишдан ўрин эгаллаган 14 та тўпلامнинг барчасида ўзбекиона атласу адраснинг иштирокчини кўриш мумкин. Уларнинг аксарияти кундалик ва оқшом учун мўлжалланган либослардир. Ўз ичидида миллийлик ва замонавийлик уйғунлигига эриша олган ёш дизайнерлар «Келажақ овози» республика иқтидорли ёшлар танловининг «либос дизайни» номинацияси голиблари, Тошкент тўқимачилик ва енавалнинг институти талабалариридир. Бу йилги танлов шартига кўра иштирокчилар хонатлас билан бошқа миллий матолар уйғунлигида либос яратишлари шарт эди. Фестиваль доирасида «Ўзбекистон ипаги» пиллачилар ва ипак ишлаб чиқарувчилар уюшмасининг матолар кўргазмаси ҳамда Ўзбекистон Бадиий Академияси кўргазмаси тақ-

дим этилди. Фестиваль меҳмонларнинг ҳам миллий либосларда ташриф буюганилиги унга янада фойз киритди.

Фонд Форум, «Аёллар кенгаши» РЖБ, «Осиё рамзи» Ўзбекистон модельерлари ва дизайнерлари уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий Академияси, «Ўзбекистон ипаги» пиллачилар ва ипак ишлаб чиқарувчилар уюшмаси каби бир қатор ташкилотлар кўмағида уюштирилган мазкур фестивал бу гал ҳам унутилмас таассуротларга бой бўлди. «Ўқитувчи ва мураббийлар кўни»га бағишланган ушбу тадбирни ташкил этиш мана беш йилдирки анъанавий тус олиб улгурди. Ўтган давр мобайнида унда 3000 га яқин ўқитувчи ва мураббийлар иштирок этди.

Кечага тақлиф этилган барча ўқитувчи ва мураббийларга «Аёллар кенгаши» РЖБ Ташкилий қўмитаси номидан табрикномалар тақдим этилди. Ўзбек эстрадаси юлдузларининг чиқишлари эса йилгилганлар учун қутилмаган совға бўлди.

Фестивалда голибликни кўлга киритган дизайнерларга диплом ва эсдалик совғалари топшириш маросимида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси, Ўзбекистон халқ расоми Акмал Нуриддинов иштирок этди. Ёш дизайнерлар бу каби рағбатлантиришлардан сўнг ўз фаолиятларида янги чўққиларни забт этиши шуларақ эсдалик. Фестиваль голибларидан бири Бўстонай Баркашева шундай дейди:

— Танловда ўзимнинг 7 та коллексиям билан қатнашдим. Томоша қилганингиздек, уларни яра-

тишда турли аксессуарларга ҳам мурожаат қилганман. 2011 йилги «Келажақ овози» танловига голибликни кўлга киритиб, 2012 йилда эса Бадиий Академия томонидан ўтказилган ҳафталикда олтин медал билан тақдирландим. Ютуқларим самараси сифатида 2013 йили Бадиий Академия гранти асосида Низомий номидаги педагогика университети тасвирий санъат йўналишига ўқишга қабул қилиндим. Мен ўз ютуқларимдан кечис фохрланаман. Бу ютуқлар замирида эса давлатимизда ёшларга қаратилаётган катта эътибор муҳасам.

Дилора ЯРИЕВА,

Юнусобод туманидаги 250-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси:

— Юртбошимизнинг биз ўқитувчи ва мураббийларга қаратаётган эътибори туфайли шу нурафшон кунларда яшаймиз. Бугунги фестивалнинг айнан ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишлаб ўтказилганлиги қалбимизни ифтихорга тўлдирди. Тадбир ташкилотчиларига миннатдорчилик билдираман. Хонатласдан бу каби мукамал кўринишлардаги либослар яратиш мумкинлигини кўриб, миллий матомизга бўлган муҳаббатимиз янада жўшиб кетди. Истардимки, хонатласу адраслар нафақат келинчаларимизнинг сарполарини тўлдиришга, ўзбек қизлари-ю аёлларининг хуснига ҳусн қўшиб яна минг асрлар ўз қадрини йўқотмасин.

Муҳайё НУРМЕТОВА,
«Milliy tiklanish» мухбири